

*Судьянинг онгида - адолат, тилида - ҳақиқат,
дилида - поклик бўлиши шарт.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ

1/2019

ISSN 2181-8991

ОДИЛ СУДЛОВ

Ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ
Баходир ДЕХҚАНОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Мирзоулугбек АБДУСАЛОМОВ
Ибрагим АЛИМОВ
Нематжон АКБАРОВ
Шахноза АХАТОВА
Олим ХАЛМИРЗАЕВ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ
Азиз МИРЗАЕВ

© Реклама нашри ва тижорий йўл билан босилган матнлар.

Таҳририят фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин.

Қўлёзмалар, суратлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Кўчириб босилганда «Одил судлов» — «Правосудие» нашри кўрсатилиши шарт.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сонли қарори билан докторлик диссертациялари бўйича илмий мақолалар чоп этилаётган нашрлар рўйхатига киритилган.

2017 йил 29 ноябрда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0026-рақам билан рўйхатга олинган. 1996 йилдан чиқа бошлаган.

Бош муҳаррир
Камол УБАЙДИЛЛОЕВ

Масъул котиб
Муталиф СОДИҚОВ

Журнал 2015 йилда «Жамият ва мен» республика танловида «Энг яхши ёритилган ҳуқуқий мавзулар» йўналиши бўйича ғолиб деб топилган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Чўпонота кўчаси, 6-уй
Х/р 20210000300101763001
ХАБ «Трастбанк» Тошкент филиали
МФО 00850, СТИР 201403038
ТЕЛЕФОН: 278-96-54, 278-91-96,
278-25-96, **ФАКС:** 273-96-60
Email: Os_odilsudlov@umail.uz
Email: Os_odilsudlov@sud.uz

Босишга 2019 йил 1 февралда рухсат этилди. Қоғоз бичими 70X108 1/16. 7,5 босма табоқ. Офсет усулида чоп этилди. Журнал таҳририят компютерида терилди ва саҳифаланди. Буюртма — 19-12. Нашр адади 7130 нусха.

Навбатчи муҳаррир
Муталиф СОДИҚОВ

ИНДЕКС:
якка тартибдаги обуначилар
учун — 908;
ташкilotлар учун — 909.

Сотувда келишилган нархда

*«Маънавият» наشريётининг босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили:
100047, Тошкент шаҳри, Тараққиёт
2-берк кўчаси, 2-уй*

ҚОНУНЧИЛИК ВА РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.....3

ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан фуқаролик ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриш амалиёти тўғрисида»ги қарори.....11

ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

Р. Саидов. Ислохотлар самарадорлигининг ҳуқуқий кафолатлари.....22

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ

Т. Сафаров. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш йўлида.....27

С. Аширматов. Ҳуқуқ ва манфаатлар ҳимояси йўлидаги яна бир муҳим кадам.....30

М. Мамасиддиқов, Ў. Давлетов. Ҳарбий судлар.....33

СУДЛАР ФАОЛИЯТИДАН

Н. Расулов. Хотин-қизлар – суд ҳимоясида.....36

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ВА ЖАРАЁН

А. Бекманов. Жазо турлари ва уларни тайинлаш тартиби.....38

ИНСОН ВА ҲУҚУҚ

Б. Эгамбердиев. Миграция жараёнларини тартибга солишда ички ишлар органларининг жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигининг ҳуқуқий жиҳатлари.....42

ИҚТИСОД ВА ҲУҚУҚ

Т. Умаров. Эркин иқтисодий зона иштирокчиларининг ҳуқуқий билимларини оширишнинг айрим масалалари.....48

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Г. Муллабаева. Қонун бўйича ворисликнинг ўзига хос жиҳатлари.....50

ТАРИХ САҲИФАЛАРИ

А. Раҳмонов. Бухоро вилояти суди тарихи.....53

САВОЛ ВА ЖАВОБ

Ш. Гайбердиев. Давлат ижрочисининг қарорини ҳақиқий эмас, ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ариза (шикоят)ларнинг маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилишининг ҳуқуқий асослари.....57

ТАДБИРКОР ВА ҲУҚУҚ.....60

АХБОРОТ.....63

ЮРИСТ КАРТОТЕКАСИ/КАРТОТЕКА ЮРИСТА.....118



ҚОНУНЧИЛИК ВА РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

СУДЬЯЛИК ЛАВОЗИМЛАРИГА НОМЗОДЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ, СУДЬЯЛАР ВА СУДЛАР АППАРАТИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ, УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган даврда мамлакатнинг суд-ҳуқуқ соҳасида чинакам мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш ва унинг нуфузини ошириш, судлар фаолиятида одил судловни амалга ошириш бўйича қонунийликни таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, суд-ҳуқуқ соҳасида кадрлар тайёрлашнинг амалдаги тизими таҳлили профессионал ва етук судьялик корпусини шакллантириш учун зарур юқори стандартларни жорий этишга салбий таъсир кўрсатаётган қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатди, хусусан:

биринчидан, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлашнинг амалдаги тартиби самараси паст бўлиб, кўп ресурс сарфлашни талаб этади, бу суд кадрларининг малакали захирасини шакллантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда;

иккинчидан, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишнинг амалдаги ўқув режалари ва дастурлари, шунингдек, бу борадаги ишларни ташкил этишга доир ёндашувлар ўқув жараёнининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқлигини лозим даражада таъминламаяпти ва замонвий талабларга жавоб бермаяпти;

учинчидан, судьяликка номзодларнинг стажировкасини уларни асосий иш жойидан ажралмаган ҳолда ташкил этишнинг самарасиз тизими улар томонидан зарур амалий кўникмаларни эгаллашни рағбатлантирмаяпти;

Ушбу Қарор «Халқ сўзи» газетасида 2019 йил 8 январда эълон қилинган.

тўртинчидан, эскирган ўқув-услубий база ва илмий-тадқиқот фаолияти ҳамда ўқув жараёнининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан узвий боғлиқ эмаслиги тингловчиларда қарорлар қабул қилишда ижодий ёндашувсиз «қолипли фикрлаш»нинг шаклланишига олиб келмоқда.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишнинг ягона тизимини ташкил этиш;

судьялик лавозимларига номзодларда назарий билимлар, касбий этика, психология, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўникмалари, музокаралар олиб бориш тактикаси, ахборот билан ишлаш технологияси, ҳуқуқ нормаларига шарҳ бериш ва қўллашни ривожлантириш;

судьялик лавозимларига номзодлар стажировка ўташининг сифат жиҳатдан янги тизимини ташкил этиш, шу жумладан, илмий-тадқиқот фаолияти ва ўқув жараёни билан узвий боғлиқлигини таъминлаш;

иш юритиш ва танқидий таҳлил қилиш, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда асосланган қарорлар қабул қилиш кўникмаларини ривожлантирадиган интерфаол ўқитиш услубларини таълим жараёнига жорий этиш;

судьялик лавозимларига номзодларни қонунчиликдаги долзарб янгиликлар, мамлакатимиз ва хориждаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда норма ижодкорлиги фаолияти ҳолати ва тенденциялари билан таништириш.

2. 2019 йил 10 январдан бошлаб қуйидаги тартиб жорий этилсин:

судьялик фаолиятини амалга ошириш ва судлар ишини ташкил этиш, касбий этика, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўникмаларини ўқитишга, суд кадрларининг илмий-таҳлилий ва креатив салоҳиятини шакллантиришга қаратилган, грант асосида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида бир йиллик магистратура таълим дастури бўйича амалга ошириладиган судьялик лавозимларини эгаллаш учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш;

касбий билимларни чуқурлаштириш ва суд маъмуриятчилигини юритиш кўникмаларини эгаллашга, шунингдек, иш ва бошқарувни ташкил этишнинг инновацион шакл ва услубларини ўзлаштиришга қаратилган, давомийлиги икки ой бўлган, раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьяларни қайта тайёрлаш;

қонунчиликдаги янгиликларнинг мазмун ва моҳиятини етказишга, касбий, жумладан, ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ва қўллаш масалаларига доир кўникма ва қобилиятларни такомиллаштиришга қаратилган, давомийлиги икки ҳафтадан кам бўлмаган, судьялар ва судлар аппарати ходимлари малакасини ошириш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

судьялик лавозимларига номзодларни қабул қилиш 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб фақат судьялик лавозими захирасида бўлган шахслар орасидан танлов асосида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан биргаликда белгиланадиган квоталар бўйича амалга оширилади;

судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларига қабул қилинган шахслар асосий иш жойи бўйича лавозимдан озод қилинади, бироқ уларнинг эгаллаган лавозими бутун ўқиш даври мобайнида сақланади;

судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курслари тингловчиларига судья ёрдамчисининг бир ойлик меҳнатига ҳақ тўлаш фонди миқдорида стипендия тўланади;

судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириш Ўзбекистон Республикаси Олий судининг буюртмаси асосида амалга оширилади;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларига ўқиш давомида асосий иш жойи бўйича эгаллаб турган лавозими ва ўртача ойлик иш ҳақи сақланади.

4. Белгилаб қўйилсинки:

судьялик лавозимларига 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб фақат судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида ўқишни муваффақиятли تامомлаган шахслар тайинланади;

судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида ўқиш дастурини бажармаган ёки таклиф этилган судьялик лавозимини эгаллашни рад этган тингловчилар ўқиш даврида олинган стипендия суммасини Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига тўлиқ миқдорда қоплаб беради.

Судьяларни дастлабки муддатга тайинлашнинг амалдаги тартиби 2019/2020

ўқув йили тугагунга қадар сақлаб қолинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Олий суди ва Адлия вазирлигининг:

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази негизида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби (кейинги ўринларда – Олий мактаб)ни ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказининг 12 та штат бирлигини Олий мактабга ўтказиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

Белгилансинки, Олий мактаб судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Олий мактаб Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот марказининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Олий мактабга Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раисининг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади;

Олий мактаб директори меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, тиббий ва транспорт таъминоти шарт-шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосарига, Олий мактаб директорининг ўринбосарлари – Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосарига тенглаштирилади;

Олий мактаб директори лавозими бўйича бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг жамоатчилик асосидаги аъзоси ҳисобланади;

Олий мактаб профессор-ўқитувчилар таркибига Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари учун, Олий мактабнинг бошқа ходимларига Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади;

Олий мактабнинг махсус унвонлар ва мансаб даражаларига эга бўлган ходимларига Ўзбекистон Республикаси Олий суди учун белгиланган тартибда махсус унвонлар ва мансаб даражалари берилади, кўп йиллик хизматлари

учун устамалар ва қўшимча тўловлар тўланади, ушбу шахсларнинг Олий мактабда ишлаган даври махсус унвонлар ва мансаб даражаларини олиш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади;

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раисига Олий мактаб ходимларига махсус унвонлар ва мансаб даражалари бериш ҳукуқи берилади;

Олий мактабда ишга жалб қилинган ва малака даражаларига эга бўлган судьялар ва уларга тенглаштирилган шахсларда судья мақоми, барча устамалар ва қўшимча тўловлар, имтиёзлар ҳамда тиббий таъминот шароитлари сақлаб қолинади;

судьялар ва уларга тенглаштирилган шахслар орасидан ишга қабул қилинган ходимларнинг Олий мактабда ишлаган вақти судьялик стажига қўшилади.

7. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг устави 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва бошқарув ходимлари чекланган сони 36 кишидан иборат тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг штат жадвали 4-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг самарали фаолиятини таъминлаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича «Йўл харитаси» 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Олий мактаб директориға Олий мактабнинг тасдиқланган тузилмасига ходимлар белгиланган чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳукуқи берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ва Олий суди зиммасига қонун ҳужжатларида назарда тутилган вазифаларни бажариш билан бир қаторда қуйидаги устувор масалаларда Олий мактабни ҳар томонлама ривожлантиришга қўмаклашиш юклансин:

судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув режаларини (дастурларини) ишлаб чиқиш, замонавий таълим технологияларини жорий этиш;

Олий мактаб тингловчилари стажировка ўташи учун зарур шароитларни яратиш;

илмий ишланмалар натижаларини қонун ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий этиш;

судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириш соҳасида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш;

Олий мактаб фаолиятини таъминлаш ва ривожлантириш учун бюджетдан ташқари маблағлар, хайрия бадалларини жалб этиш.

9. Олий мактабда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси билан бирга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Бошқарув, профессор-ўқитувчилар, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларни моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси (кейинги ўринларда – Махсус жамғарма) уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фондининг 50 фоизигача миқдорда ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Махсус жамғарма маблағлари Олий мактаб директорининг қарорига кўра бошқарув, профессор-ўқитувчилар, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларга тариф ставкасининг 100 фоизигача миқдорда ҳар ойлик устамалар белгилашга йўналтирилади;

Махсус жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби, шунингдек, Олий мактаб ходимларига ҳар ойлик устамалар белгилаш мезонлари Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши билан келишилган ҳолда Олий мактаб кенгаши томонидан белгиланади.

10. Қуйидагилар Олий мактаб фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Олий мактаб томонидан шартнома асосида бажариладиган илмий-тадқиқот, ахборот-таҳлилий ишлар, таълим ва бошқа хизматлардан тушадиган тушумлар;

хорижий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

11. Олий мактабга судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, адвокатлар, илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари, вазирликлар, идоралар мутахассислари ва бошқа мутахассисларни ўриндошлик тартибда ёки меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида педагогик фаолиятни амалга оширишга жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

Жалб этиладиган мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан белгиланади.

12. Судьялар олий кенгаши ва Олий мактаб уч ой муддатда:

Олий мактабга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин, хусусан, унда тингловчиларнинг ахборот-коммуникация технологиялари ва чет тилларини билиш кўникмалари мавжудлиги зарурий талаб эканлиги назарда тутилсин;

судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш низомини, ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан биргаликда Олий мактабни ўқитишнинг замонавий шакл ва услубларини қўллаш кўникмаларига, амалий иш тажрибасига эга бўлган, биринчи навбатда, қайта ташкил этилаётган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази ходимлари ва Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази ўтказилган штат бирликларидagi ходимлар орасидан малакали кадрлар билан тўлдирсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Олий мактаб ва Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг асослантирилган ҳисоб-китоблари бўйича 2019 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари параметрларига мазкур қарордан келиб чиқиб, тегишли ўзгартиришлар киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига:

ўқитувчилар ва тингловчиларнинг етакчи хорижий таълим ва илмий муассасаларда малака ошириш курсларини ўтиши, стажировка ўташи ва ўқишида Олий мактабга кўмаклашсин;

Олий мактабнинг буюртмалари бўйича Олий мактабнинг ўқув ва илмий жараёнида иштирок этувчи хорижий мутахассислар, профессор-ўқитувчилар таркиби ва илмий ходимларга консуллик ва бошқа йиғимларни ундирмасдан кириш визалари белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Олий мактабнинг буюртмалари бўйича Олий мактабнинг ўқув ва илмий жараёнида иштирок этувчи хорижий мутахассислар, профессор-ўқитувчилар таркиби ва илмий ходимларга давлат божи ундирмасдан белгиланган тартибда кўп марталик кириш визаларини расмийлаштириш ва уларнинг муддатини узайтириш, шунингдек, уларни вақтинчалик рўйхатга қўйиш ва вақтинчалик рўйхатда туриш муддатини узайтиришни таъминлаб борсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда мазкур

қарор ижросини таъминлаш бўйича Олий мактабнинг ўқув хоналари, кафедралари, ахборот-ресурс маркази ва бошқа биноларини замонавий ускуналар, алоқа ва телекоммуникация воситалари билан жиҳозлашни, шунингдек, Олий мактабни мамлакатимизда ва хорижда чоп этилган суд-ҳуқуқ масалаларига оид ўқув, илмий ва услубий адабиёт ва даврий нашрлар билан таъминлашни назарда тутадиган тегишли қарорни қабул қилсин.

17. Олий мактаб Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уйда жойлаштирилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ўзгартирилаётган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот марказининг мулкани, жумладан, автотранспорт воситаларини Олий мактаб балансига беғараз ўтказсин.

19. Олий мактабга тўртта енгил автотранспорт воситаси ва битта автобусни сақлаш учун лимит белгилансин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–2903-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 6-иловага мувофиқ ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Судьялар олий кенгаши билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

23. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 6 январь



ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
ҚАРОРИ*

СУДЛАР ТОМОНИДАН ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ АПЕЛЛЯЦИЯ ВА КАССАЦИЯ ТАРТИБИДА КЎРИШ АМАЛИЁТИ ТЎҒРИСИДА

2018 йил 30 ноябрь

33-сонли

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси янги тахрирда қабул қилиниши, суд амалиётида масалалар келиб чиқаётганлиги муносабати билан ҳамда қонун нормаларининг бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосланиб Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, фуқаролик ишини апелляция ва кассация тартибида қайта кўриш суд процесси иштирокчиларининг суд ҳужжатининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш ҳуқуқини таъминловчи муҳим ҳуқуқий институт ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси (бундан буён матнда ФПК деб юритилади) 383, 403-моддаларига мувофиқ апелляция, кассация инстанцияси судида иш юритиш:

а) даъво тартибида юритиладиган ишлар бўйича:

даъвогар, жавобгар, учинчи шахс, уларнинг вакиллари, давлат бошқаруви органининг шикоятчи ва прокурорнинг протести бўйича;

б) алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича:

аризачи, манфаатдор шахс, уларнинг вакиллари ва прокурорнинг протести бўйича қўзғатилади.

Апелляция, кассация тартибида иш юритиш, шунингдек ФПК 373-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ суд ҳужжати устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлган, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахснинг шикоя-

ти бўйича ҳам қўзғатилиши мумкин. Ушбу шахс суд ҳужжатида кўрсатилмаган ҳолларда ҳам, унинг устидан шикоят қилиш ҳуқуқидан фойдаланади.

Суд ҳужжати устидан апелляция, кассация тартибида шикоят қилиш ҳуқуқига, шунингдек тарафлар, учинчи шахслар ёки қонуний вакилнинг ҳуқуқий ворислари ҳам эга.

Шахснинг биринчи инстанция судида қатнашаётган вакили, шу жумладан адвокат, агар бундай ҳуқуқ ваколат берувчи томонидан берилган ишончномада махсус кўрсатилган бўлсагина, суд ҳужжати устидан апелляция, кассация тартибида шикоят қилишга ҳақли (ФПК 69-моддасининг иккинчи қисми).

3. Қонунга мувофиқ суднинг ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти (протест) ҳал қилув қарори чиқарилган кундан эътиборан йигирма кун ичида, кассация шикояти (протест) эса, у қонуний кучга кирган кундан эътиборан олти ой ичида берилиши мумкин.

Апелляция, кассация шикояти (протести) бериш муддати ўтишининг бошланиши, тегишлича ҳал қилув қарори қабул қилинган ёки қонуний кучга кирган куннинг эртасидан ҳисобланади (ФПК 152-моддаси).

4. Апелляция, кассация шикояти (протести) бериш муддатини тиклаш тўғрисидаги илтимоснома суд томонидан ФПК 155-моддаси қоидалари бўйича кўриб чиқилади.

Апелляция, кассация шикояти (протести) бериш муддатини тиклаш ёки рад қилиш ҳақида суд ажрим чиқаради.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклашни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан ФПК 155-моддасининг олтинчи қисмига кўра, хусусий шикоят (протест) берилиши мумкин.

Суднинг ўтказиб юборилган муддатни тиклашни рад этиш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят (протест) берилганда, апелляция, кассация инстанцияси суди шикоятни (протестни) асосли деб топганда, биринчи инстанция судининг ажримини бекор қилиб, ўтказиб юборилган муддатни тиклайди ва шикоятни (протестни) ФПК 386, 406-моддалари талабларига мувофиқлигини текшириш ҳамда ФПК 389, 409-моддаларида кўрсатилган ҳаракатларни бажариш учун ишни биринчи инстанция судига юборади.

5. ФПК 385, 405-моддаларига кўра, апелляция шикояти (протести) апелляция инстанцияси судига, кассация шикояти (протести) кассация инстанцияси судига берилди, аммо ҳал қилув қарори, ажрим, қарорни қабул қилган судга топширилади.

Бевосита апелляция, кассация инстанцияси судига берилган шикоят (протест) ФПК 389, 409-моддаларида назарда тутилган ҳаракатларни амалга ошириш учун суд ҳужжати қабул қилган судга юборилиши лозим.

Ҳар бир шикоят (протест) келиб тушган санаси кўрсатилган ҳолда рўйхатга олинishi лозим.

6. Судларга тушунтирилсинки, қонунда апелляция, кассация тартибида

иш юритиш предмети бўйича муайян истиснолар белгиланган. Жумладан, куйидагилар устидан апелляция, кассация тартибида шикоят (протест) берилмайди:

1) суд буйруғи;

2) қонунда шикоят қилиниши назарда тутилмаган ёки ишнинг кейинги ҳаракатланишига тўсқинлик қилмайдиган, шунингдек иш муҳокамасини кейинга қолдириш ҳақида, шу жумладан, никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишлар бўйича эр-хотинга ярашиш учун муддат тайинланиши муносабати билан чиқарилган биринчи инстанция судининг ажримлари.

7. ФПК 386, 406-моддаларида апелляция, кассация шикояти (протести)нинг мазмуни юзасидан муайян талаблар белгиланганлиги туфайли, биринчи инстанция суди шикоят (протест) берувчи шахс томонидан уларга риоя этилганлигини текшириши шарт.

Мазмуни ФПК 386, 406-моддалари талабларига жавоб бермайдиган шикоят (протест), шунингдек давлат божи ҳамда почта харажатлари тўланмаган шикоят камчиликларини бартараф қилиш учун муддат берилган ҳолда, судьянинг ажрими билан ҳаракатсиз қолдирилади. Кўрсатилган муддат шикоят (протест)нинг камчиликларини бартараф этишнинг реал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда тайинланиши лозим.

Ажримда кўрсатилган камчиликлар белгиланган муддатда бартараф этилганда, шикоят (протест) дастлаб судга тақдим этилган кунда берилган ҳисобланади, акс ҳолда, шикоят (протест) берилмаган ҳисобланиб, қайтарилади ва бу ҳақда судья томонидан ажрим чиқарилади.

Қонун тарафлар, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга ҳал қилув қарори нухасини топшириш фактини апелляция, кассация шикояти (протест) бериш ҳуқуқини амалга ошириш муддати билан боғламаслиги сабабли, ҳал қилув қарорининг нухасини олгандан сўнг «асосий» шикоят (протест) тақдим этилишини кўрсатиб, «дастлабки» апелляция шикояти (протести) берилиши қонунда назарда тутилмаганлигига судларнинг эътибори қаратилсин.

8. Қонунга мувофиқ шикоят (протест) юзасидан судга тушунтиришлар (эътирозлар) уларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиб, тақдим этиш ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқи бўлганлигини инобатга олиб, уларни биринчи инстанция судига тақдим этилмаганлиги ишни апелляция, кассация инстанцияси судига юборишга тўсқинлик қилмайди.

Шикоят (протест) юзасидан тушунтиришлар (эътирозлар) иш апелляция, кассация инстанцияси судига юборилгандан сўнг келиб тушса, улар тегишли инстанция судига юбориш билан бирга нухалари ишда иштирок этувчи шахсларга ҳам юборилади.

9. ФПК 393, 413-моддалари талабларига кўра, апелляция, кассация шикояти берган шахс апелляция, кассация инстанцияси суди маслаҳатхонага киргунига

қадар шикоятни тўлдиришга, ўзгартиришга ёки ундан воз кечишга, протест келтирган прокурор, шунингдек юқори турувчи прокурор эса, протестни тўлдиришга, ўзгартиришга ёки қайтариб олишга ҳақли.

Шикоятдан воз кечиш (протестни қайтариб олиш)ни қабул қилиш масаласи апелляция, кассация инстанцияси суди томонидан шикоят (протест)ни кўриш учун тайинланган суд мажлисида ҳал қилинади ва бунда шахснинг шикоятдан воз кечиш (протестни қайтариб олиш) ваколати текширилиши зарур. ФПК 69-моддаси мазмунига кўра, ишончномада вакилга берилган биринчи инстанция суди суд ҳужжатиغا нисбатан шикоят келтириш ҳуқуқи, агар ишончномада бошқа ҳолат махсус кўрсатилмаган бўлса, шикоятдан воз кечиш ҳуқуқини бермайди.

Агар шикоятдан воз кечиш қонунга зид бўлмаса ёки бошқа бировнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаса, апелляция, кассация инстанцияси суди уни қабул қилишга ҳақли.

Агар тегишли суд ҳужжатиغا нисбатан бошқа шахслар томонидан шикоят берилмаган бўлса, суд шикоятдан воз кечиш қабул қилинганлиги тўғрисида, шунингдек протест қайтариб олинганда ажрим чиқаради ва апелляция, кассация тартибида иш юритишни тугатади.

Шикоятга қўшилиш ҳақидаги ёзма ариза мустақил шикоят сифатида кўриб чиқилиши сабабли, агар суд процессида шикоят берган тараф томонида иштирок этаётган шерик иштирокчилар ёки учинчи шахслар берилган шикоятга қўшилган тақдирда, шикоятдан воз кечишни қабул қилиш апелляция, кассация тартибида иш юритишни тугатишга олиб келмайди. Шунингдек эътиборга олиш лозимки, кўрсатилган шахслар берилган протестга ҳам қўшилишлари мумкин.

Апелляция шикоятдан воз кечилганлиги (протест қайтариб олинганлиги) муносабати билан апелляция тартибида иш юритиш тугатилганда, суд ҳужжати қонуний кучга киради.

10. ФПК 166-моддасига кўра, суд тарафларни яраштириш чораларини кўради, уларга фуқаролик суд ишларини юритишнинг барча босқичларида низони ҳал этишга кўмаклашади. Апелляция, кассация шикояти (протести) берилгандан кейин даъвогарнинг арз қилинган талабларидан воз кечиши, жавобгарнинг даъвогар талабларини тан олиши ва тарафларнинг келишув битими ёзма шаклда, шу жумладан электрон ҳужжат тарзида тегишли инстанция судига тақдим этилиши керак. Бунда тарафларнинг тасдиқлаш учун тақдим этилаётган келишув битими ФПК 166, 167-моддалари талабларига жавоб бериши лозим.

Агар даъвогарнинг арз қилинган талабларидан воз кечиши, жавобгарнинг арз қилинган талабларни тан олиши ёхуд тарафларнинг келишув битимига эришиши ишни апелляция, кассация инстанцияси суди муҳокамасида амалга оширилса, бу ҳақда суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилади.

Апелляция, кассация инстанцияси суди даъводан воз кечишни қабул қилишдан ёки келишув битимини тасдиқлашдан олдин даъвогарга (тарафларга) ФПК 126-

моддасида назарда тутилган иш бўйича иш юритишни тугатишнинг оқибатларини тушунтириши шарт.

Апелляция, кассация инстанцияси суди даъвогарнинг даъво талабларидан воз кечишини қабул қилишда ва тарафларнинг келишув битимини тасдиқлашда ҳал қилув қарорининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги масаласини муҳокама қилишга киришмасдан, уни бекор қилади ва иш бўйича иш юритишни тугатади.

11. Суднинг ишда иштирок этувчи шахсларни шикоят (протест) бўйича ишни апелляция, кассация инстанцияси судида кўриш вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилиши мажбурий эканлиги қонунда белгиланганлиги сабабли, ФПК 389-моддасининг биринчи қисми, 409-моддасининг биринчи қисми талабларининг бажармаслиги ФПК 397, 417-моддаларига мувофиқ ишни кўришни кейинга қолдиришга сабаб бўлади.

Апелляция, кассация инстанцияси суди ишда иштирок этувчи шахслар иш кўрилиши ҳақида тегишлича хабардор қилинганлиги тўғрисида маълумотлар бўлган тақдирда ҳам, улардан бирортасининг келмаганлик сабабини узрли деб топса, ишни кўришни кейинга қолдиришга ҳақли.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг келмаганлик сабаблари узрсиз деб топилган тақдирда, шунингдек келмаганлик сабаблари ҳақида маълумотлар ва бу сабабларнинг узрли эканлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлмаганда, апелляция, кассация инстанцияси суди шикоят (протест) бўйича ишни уларнинг иштирокисиз кўришга ҳақли.

12. Тарафларнинг бири, учинчи шахс ёки уларнинг қонуний вакили низоли ёхуд суднинг ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳуқуқий муносабатдан чиқиб кетган тақдирда (фуқаронинг ўлими, юридик шахснинг қайта ташкил қилиниши, бошқа шахс фойдасига талабдан воз кечиш, қарзнинг бошқа шахсга ўтказилиши ва ҳ.к.) апелляция, кассация инстанцияси суди процессуал ҳуқуқий ворислик ФПК 47-моддасига кўра, суд процессининг ҳар қандай босқичида амалга оширилиши мумкинлигини эътиборга олган ҳолда, бундай шахслар уларнинг ҳуқуқий ворислари билан алмаштирилишига йўл қўяди ҳамда уларга ишга доир барча материаллар билан танишишга имкон беради. Ҳуқуқий вориснинг процессга киришганлиги ҳақида апелляция, кассация инстанцияси суди ажрим чиқаради.

13. Судларнинг эътибори ишларни апелляция, кассация шикояти (протести) бўйича кўришда ФПК 395, 415-моддаларида белгиланган муддатларга, шунингдек апелляция, кассация инстанцияси суди ишни биринчи инстанция судида иш юритиш қоидалари бўйича кўришга ўтган ҳолда ҳам риоя қилиниши лозимлигига қаратилсин.

Шикоят (протест) бўйича тушган ишни апелляция, кассация тартибида кўриш муддатлари қонунда белгиланган муддат доирасида (ФПК 395, 415-моддалари) иш ўта мураккаб бўлган ёки бошқа алоҳида ҳолларда узайтирилиши мумкин

(масалан, бир иш юритувида бир нечта талабларнинг бирлаштирилиши, суд жараёни иштирокчиларининг кўплиги, қўшимча ҳажмдаги далилларнинг талаб қилиб олинishi ва уларни текшириш, ишга мутахассисларни жалб қилиш, суд топшириқларини юбориш зарурати ва ҳ.к.).

14. Қонунга кўра иш апелляция, кассация тартибида кўрилатганда қуйидагилар аниқланиши лозим:

биринчи инстанция суди иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни тўлиқ текширган-текширмаганлиги;

суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар исботланган-исботланмаганлиги;

суднинг ҳал қилув қарорида, ажримда, қарорида баён этилган хулосалар иш ҳолатларига мувофиқлиги;

моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормалари бузилган-бузилмаганлиги, улар тўғри қўлланилган-қўлланилмаганлиги;

биринчи инстанция суди томонидан қабул қилинган суд ҳужжатлари қонун талабларига мувофиқлиги.

Апелляция, кассация инстанцияси суди ФПК 396, 416-моддаларига мувофиқ биринчи инстанция суди суд ҳужжатининг қонунийлиги ва асослилигини тўлиқ ҳажмда текширади.

Шикоят (протест) важларидан қатъи назар, ишда иштирок этувчи шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида суд ҳужжатини тўлиқ ҳажмда текшириш деганда, биринчи инстанция суди томонидан ишнинг ҳақиқий ҳолатлари аниқланганлигини, моддий ва процессуал нормалар тўғри қўлланилганлигини текширишни тушунмоқ лозим. Шикоят (протест) важларидан қатъи назар, апелляция, кассация инстанцияси суди ишни биринчи инстанция судида иш юритиш қоидалари бўйича кўришга ўтиш, иш бўйича иш юритишни тугатиш ёки аризани кўрмасдан қолдиришга асослар бор ёки йўқлигини аниқлайди.

15. ФПК 377-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асослар аниқланганда, апелляция, кассация инстанцияси суди ишни биринчи инстанция судида иш юритиш қоидалари бўйича кўришга ўтади ва бу ҳақда асослантилган ажрим чиқаради.

Ишни биринчи инстанция судида иш юритиш қоидалари бўйича кўриш ҳақидаги ажрим билан шикоят (протест) берилган суд ҳужжати бекор қилинмайди ва бу ажрим ишнинг кейинги ҳаракатланишига тўсқинлик қилмаслиги сабабли, унинг устидан шикоят (протест) берилмайди.

16. Апелляция, кассация инстанцияси суди холислик ва беғаразликни сақлаган ҳолда тарафларга ўз процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишлари учун зарур шароит яратиб бериши шарт.

Апелляция, кассация инстанцияси судида ишнинг кўрилиши коллегия тарзда,

уч нафар судьядан иборат таркибда ФПК 397, 417-моддаларида назарда тутилган истисноларни инобатга олган ҳолда, биринчи инстанция судида иш юритиш қоидалари асосида амалга оширилади.

Бунда дастлаб шикоят берган шахс ва унинг вакилининг тушунтиришлари тингланади. Суд ҳужжати устидан ҳар иккала тараф шикоят қилган бўлса, биринчи бўлиб даъвогар ва унинг вакили сўзга чиқади.

Ишда иштирок этувчи шахслар ўзларининг тушунтиришларида шикоят (протест)да кўрсатилмаган важларни келтиришга ва қўшимча материаллар тақдим этишга ҳақли.

17. Судлар шуни назарда тутиши лозимки, апелляция, кассация инстанцияси суди ҳар қандай далилларни, улар биринчи инстанция суди муҳокамасида бўлганлигидан ва янгидан тақдим этилганлигидан қатъи назар, текширишга ҳақли.

Апелляция, кассация инстанцияси суди янги тақдим қилинган далилларни текширишни рад қилишни ажримда асослантириши лозим.

Апелляция, кассация инстанцияси суди ишда иштирок этувчи шахсларнинг экспертиза ўтказиш, далилларни таъминлаш ва талаб қилиб олиш, гувоҳларни сўроқ қилиш ҳақидаги ва бошқа илтимосномаларини улар биринчи инстанция суди томонидан рад этилганлиги сабаблигина, рад этишга ҳақли эмас.

Далиллар биринчи инстанция суди учун белгиланган тартиб бўйича текширилади.

18. Судларнинг эътибори биринчи инстанция судида муҳокама предмети бўлмаган, шу жумладан, қарши даъво тариқасида келтирилган янги моддий-ҳуқуқий талаблар, шунингдек тарафнинг даъво муддатини қўллаш ҳақида арз қилган талаби апелляция, кассация инстанцияси суди томонидан қабул қилиниши ва кўрилиши мумкин эмаслигига қаратилсин.

Бу қоида апелляция, кассация инстанцияси суди ишни биринчи инстанция судида иш юритиш қоидалари бўйича кўриш чоғида ишда иштирок этишга жалб қилинмаган ёки хабардор қилинмаган жавобгар томонидан берилган талабларга нисбатан қўлланилмайди.

19. Апелляция, кассация инстанцияси суди томонидан иш юритишни тўхтатиб туриш ФПК 10-бобида назарда тутилган асослар ва тартибда амалга оширилади.

Иш юритиш тикланганлиги тўғрисида тегишли инстанция суди ажрим чиқаради ва ишда иштирок этувчи шахсларни иш кўриладиган кун тўғрисида хабардор қилади.

20. Апелляция, кассация инстанцияси суди шикоят (протест) бўйича ишни кўриш натижалари юзасидан ажрим чиқаради.

Апелляция, кассация инстанцияси судининг эътибори шикоят (протест)да келтирилган ҳар бир важни, унинг асосли ёки асоссиз эканлиги ҳақидаги хулосани ажримда кўрсатган ҳолда муҳокама қилиш зарурлигига қаратилсин.

Шуни инобатга олиш лозимки, асослантирилган ажрим тузилиши кейинга қолдирилган ва суд мажлисида унинг хулоса қисми эълон қилинганда, апелляция, кассация инстанцияси судида раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахслар асослантирилган ажрим билан қачон танишишлари мумкинлигини тушунтириши шарт.

Апелляция, кассация инстанцияси суди ажримнинг хулоса қисмида ФПК 399, 419-моддаларида белгиланган ваколатлар доирасида ишни шикоят (протест) бўйича кўриш натижалари тўғрисидаги хулосалар, зарур ҳолларда эса, суд харajatлари тақсимланиши кўрсатилиши керак.

Апелляция, кассация инстанцияси суди қабул қилинган ажримни ўқиб эшитирганидан сўнг унинг мазмун-моҳиятини суд процесси иштирокчиларига тушунтириши шарт.

21. ФПК 375-моддасига мувофиқ суд ҳужжатини апелляция, кассация тартибида бекор қилишга ёки ўзгартиришга қуйидагилар асос бўлади:

- 1) иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги;
- 2) суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги;
- 3) суднинг ҳал қилув қарорида баён этилган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги;
- 4) моддий ҳуқуқ нормаларининг ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланилганлиги.

Қонунга кўра, мазмунан тўғри бўлган суд ҳужжати фақат расмий, яъни ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлмаган асослар (масалан, суд музокараларини ўтказиш тартиби бузилганлиги, давлат божи асосиз камайтирилганлиги ёки кечиктирилганлиги ва ҳ.к.) бўйича бекор қилинишига йўл қўйилмайди. Йўл қўйилган қоидабузарлик расмий эканлиги тўғрисидаги масала апелляция, кассация инстанцияси суди томонидан ҳар бир муайян ҳолда, ишнинг ҳақиқий ҳолатидан келиб чиқиб аниқланади.

22. Моддий ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўллаш деганда, биринчи инстанция суди томонидан қўлланилиши лозим бўлган қонун ёки бошқа қонун ҳужжати қўлланилмаганлиги ёки қўлланилиши лозим бўлмаган қонун ёки бошқа қонун ҳужжати қўлланилганлиги, қонуннинг ёки бошқа қонун ҳужжатининг нотўғри талқин қилинганлиги тушунилади.

Шуни назарда тутиш лозимки, процессуал ҳуқуқ нормаларини бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши фақат ишни нотўғри ҳал этилишига олиб келган бўлсагина, ҳал қилув қарори, ажрим, қарорни бекор қилишга асос бўлади.

23. ФПК 399, 419-моддаларига мувофиқ апелляция, кассация инстанцияси суди қуйидагиларга ҳақли:

- 1) ҳал қилув қарорини, қарорни ўзгаришсиз қолдиришга;
- 2) ишни янгидан кўриш учун ўтказмасдан ҳал қилув қарорини, қарорни

ўзгартиришга ёки ҳал қилув қарорини, қарорни бутунлай ёки қисман бекор қилишга ва янги ҳал қилув қарори чиқаришга;

3) ҳал қилув қарорини, қарорни қисман ёки бутунлай бекор қилишга ҳамда аризани кўрмасдан қолдиришга ёхуд иш юритишни тугатишга.

24. Апелляция, кассация инстанцияси суди, агар биринчи инстанция суди иш ҳолатларини ҳар томонлама ва тўлиқ аниқлаб, қонуний, асосли ҳамда адолатли суд ҳужжати чиқарган, деган хулосага келса, ҳал қилув қарори, ажрим, қарорни ўзгаришсиз, шикоят ёки протестни эса қаноатлантирмасдан қолдиради.

Бунда апелляция, кассация инстанцияси суди ажримда шикоят ёки протест важлари нотўғри ва суд ҳужжатининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига асос бўлмайти деб топилганлиги сабаблари кўрсатиб ўтилиши лозим.

Биринчи инстанция суди томонидан ишнинг тўғри ҳал қилинишига таъсир қилмаган ва таъсир қилиши мумкин бўлмаган ҳуқуқ нормалари бузилишига йўл қўйилганлиги аниқланганда, апелляция, кассация инстанцияси суди ФПК 379-моддасига мувофиқ уларни ўз ажрими ёки чиқарган хусусий ажримда кўрсатиб ўтишга ҳақли.

25. Шунинг назарда тутиш лозимки, апелляция, кассация инстанцияси суди томонидан ҳал қилув қарори бекор қилинганда, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилишига йўл қўйилмайти (ФПК 399, 419-моддалари). Бундай ҳолда апелляция, кассация инстанцияси суди мавжуд, шунингдек қўшимча тақдим этилган материаллар (далиллар) асосида иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни аниқлаб, ўзи ҳал қилув қарори, қарорни ўзгартиришга ёки ҳал қилув қарорини тўлиқ ёки қисман бекор қилиб, янги ҳал қилув қарори, қарор чиқаришга ҳақли.

26. Суднинг ҳал қилув қарорини ўзгартириш деганда, ҳал қилув қарорининг хулоса қисмига ўзгартиришлар киритиш тушунилади.

Янги ҳал қилув қарори деганда, апелляция, кассация инстанцияси суди томонидан тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суднинг асосий хулосасини жиддий ўзгартирадиган ажрим қабул қилиниши тушунилади.

27. Апелляция ёхуд кассация инстанцияси суди ФПК 122 ва 124-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича ҳал қилув қарорини бутунлай ёки қисман бекор қилишга, аризани кўрмасдан қолдиришга ёхуд иш юритишни тугатишга агар апелляция ёхуд кассация инстанцияси судида шундай қарор қабул қилинишига сабаб бўлувчи ҳолатлар аниқланган бўлса, ҳақлидир.

28. Шунинг назарда тутиш лозимки, суд харажатларини тақсимлаш масаласининг ҳал этилмаслиги ёки нотўғри ҳал этилиши, ўз-ўзидан суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилишга ёки ўзгартиришга асос бўлмайти. Бундай ҳолда апелляция, кассация инстанцияси суди ажримининг хулоса қисмида суд харажатларини ФПК 138–141-моддаларида назарда тутилган қоидалар бўйича янгидан тақсимлаш ҳақида кўрсатилади.

29. Апелляция, кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини тўлиқ ёки

қисман бекор қилганда ва янги ҳал қилув қарори қабул қилганда, қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда (ФПК 261, 262 ва 263-моддалари) қуйидагиларга ҳақли:

ажрим ёзувда йўл қўйилган хатоларни ва аниқ кўриниб турган арифметик хатоларни тузатишга;

қўшимча ажрим чиқаришга;

ажримни тушунтиришга.

Ушбу масалалар суд мажлисида ишда иштирок этувчи шахсларни суд мажлиси ўтказилиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилган ҳолда кўрилади. Бироқ, мазкур шахсларнинг келмаслиги бу масалаларни ҳал этиш учун тўсқинлик қилмайди.

30. ФПК 400, 420-моддаларига мувофиқ апелляция, кассация инстанцияси судига, шикоят қилиниши (протест келтирилиши) қонунда назарда тутилган, шунингдек ишнинг кейинги ҳаракатланишига тўсқинлик қиладиган биринчи инстанция судининг ажрими устидан шикоят қилинади.

Биринчи инстанция суди ажрими устидан апелляция, кассация тартибида хусусий шикоят (протест) бериш ва кўриш суднинг ҳал қилув қарори устидан апелляция, кассация шикояти (протести) бериш ва кўриш учун назарда тутилган қоидалар бўйича амалга оширилади.

31. Биринчи инстанция суди ажрими устидан шикоят (протест) бериш учун ФПК 400-моддасининг биринчи қисмида белгиланган ўн кунлик муддат суд ажрими тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга топширилган ёки юборилган кундан эътиборан, кассация тартибида ажрим устидан шикоят (протест) бериш учун ФПК 420-моддасининг биринчи қисмида белгиланган олти ойлик муддат эса, биринчи инстанция суди ажрими қонуний кучга кирган кундан эътиборан ҳисобланади.

32. ФПК 402, 421-моддаларига мувофиқ апелляция, кассация инстанцияси суди хусусий шикоятни (протестни) кўриб чиқиб:

1) ажримни ўзгаришсиз қолдиришга;

2) ажримни бекор қилишга ва ишни мазмунан кўриш учун биринчи инстанция судига юборишга;

3) ажримни бутунлай ёки қисман ўзгартиришга ёхуд бекор қилишга ва масалани мазмунан ҳал қилишга ҳақли.

Ариза биринчи инстанция судининг иш юритувига қабул қилиниб ва иш қўзғатилгандан сўнг чиқарилган ажрим бекор қилинганда (масалан, даъвони таъминлаш, аризани кўрмасдан қолдириш, иш юритишни тугатиш ва ҳ.к.), апелляция, кассация инстанцияси суди ишни келгусида мазмунан кўриш учун биринчи инстанция судига юборади.

Биринчи инстанция судининг иш қўзғатилгунга қадар қабул қилинган ажрими бекор қилинган ҳолда апелляция, кассация инстанцияси суди устидан шикоят (протест) берилган ажрим чиқарилишига сабаб бўлган (масалан, аризани

кайтариш, аризани қабул қилишни рад қилиш тўғрисидаги) процессуал масалани ўзи мазмунан ҳал қилади.

33. Апелляция, кассация инстанцияси суди ишни кўришда давлат органи ёки бошқа орган, ташкилот, мансабдор шахс ёки фуқаронинг фаолиятида аниқланган қонун ҳужжатлари бузилиши фактлари бўйича, уларнинг суд процессида иштирокидан қатъи назар, хусусий ажрим чиқаришга ҳақли.

Уларнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари аниқланганда эса, суд бу ҳақда жиноят иши кўзғатиш масаласини ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда прокурорга хабар беради.

Хусусий ажрим суд мажлисида эълон қилинади ва баённомада акс эттирилади.

34. Апелляция, кассация инстанцияси суди биринчи инстанция суди томонидан иш бўйича чиқарилган хусусий ажримнинг қонунийлиги ва асослилигини текширишга ҳамда ушбу ажримнинг чиқарилишида хатолик бўлганлигини аниқлаган тақдирда, уни бекор қилишга ҳақли.

35. ФПК 276-моддаси талабларига мувофиқ апелляция, кассация инстанцияси судининг ҳар бир суд мажлисида, шунингдек суд мажлисидан ташқарида амалга оширилган процессуал ҳаракат ҳақида баённома тузилади.

36. Шикоят апелляция, кассация инстанцияси судига иш бошқа шикоятлар бўйича кўрилгандан сўнг келиб тушганда, мазкур апелляция, кассация шикоятини берган шахсга суд ҳужжатлари устидан назорат тартибида шикоят қилиш ҳуқуқи тушунтирилади.

37. Фуқаролик ишларининг ўз вақтида ва тўғри ҳал этилишини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига ишларни апелляция, кассация тартибида кўриш бўйича суд амалиётини ҳар чоракда умумлаштириш тавсия этилсин.

38. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 1 июндаги «Фуқаролик ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриш амалиёти ҳақида»ги 4-сонли қарорининг апелляция, кассация инстанцияси судида ишларни кўриш амалиётига тааллуқли тушунтиришлари қисми, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги «Фуқаролик ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти ҳақида»ги 5-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси

К. КАМИЛОВ

Пленум котиби,
Олий суд судьяси

И. АЛИМОВ



ТАДҚИҚОТ,
ТАҲЛИЛ, ТАКЛИФ

ИСЛОҲОТЛАР

САМАРАДОРЛИГИНИНГ

ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ

Давлатимиз раҳбарининг мустақиллигимизнинг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида эътироф этилганидек, халқимизнинг розилиги – барча бўғиндаги раҳбар ва мутасаддилар, депутат ва сенаторлар, бутун давлат идораларининг фаолиятига берилган энг олий ва энг адолатли баҳодир.

Ўз навбатида, ўтган йилнинг 28 декабрь куни Президентимиз томонидан Олий Мажлисга йўлланган Мурожаатномада 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари белгилаб берилди.

Мазкур вазифаларни сўзсиз рўёбга чиқаришга қаратилган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури жорий йил 17 январь куни тасдиқланди.

2018 йил 13-14 декабрь кунлари ўтказилган Олий Мажлис Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлисида ҳам аввало, халқни рози қилишдек эзгу мақсадга йўналтирилган ислохотларнинг самарадорлигига, қолаверса, юқорида қайд этилган Мурожаатнома ҳамда Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилишига хизмат қилувчи 18 та қонун маъқулланди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Жумладан, ялпи мажлисида маъқулланган энг муҳим молиявий ҳужжат бўлмиш Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, аввало, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга ҳамоҳанглиги билан аҳамиятлидир.

Давлат бюджети харажатларининг умумий суммаси 107,1 триллион сўмни ёки жорий йилга нисбатан 36,4 фоиздан кўпроқни ташкил этиши яқин тарихимизда кузатилмаган улкан янгиликдир.

Ижтимоий соҳага барча харажатларнинг 54 фоизини йўналтириш кўзда тутилгани, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг янги йилдан бошлаб 12 фоизга туширилиши эса том маънодаги инсонпарварлик сиёсатининг намунасидир.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясига мувофиқ 2019 йилда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкасини 14 фоиздан 12 фоизгача, тижорат банклари учун 22 фоиздан 20 фоизгача пасайтириш назарда тутилган.

Меҳнатга ҳақ тўлаш фондига солиқ юки ҳам барча фуқаролар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ягона ставкасини 12 фоиз миқдорида жорий этиш орқали камайтирилади, шундан 0,1 фоизи шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига йўналтирилади.

Бундан ташқари, фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш туридаги даромадларидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ушлаб қолинадиган суғурта бадаллари бекор қилинди.

Давлат бюджетида бюджет соҳаси ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йилда иш ҳақи, пенсиялар, ижтимоий тўловлар ва стипендияларни ҳар ярим йилда аввалги йилдаги инфляция даражасидан паст бўлмаган миқдорда ошириш, ижтимоий нафақалар миқдорларини мутлақ суммада белгилаш назарда тутилган.

Бир сўз билан айтганда, 2019 йилги Давлат бюджети халқимизнинг фаровонлигини юксалтириш, юртимиз тараққиётини яна бир босқичга олиб чиқишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар самарали амалга оширилишини кафолатлайди.

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонунлар мамлакат ташқи сиёсатини амалга оширишнинг асосий воситаларидан бири сифатида халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини бойитиш ва такомиллаштиришга, республика учун истиқболли бўлган икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар тузишга, хорижда мамлакатимиз манфаатларини, фуқароларимиз ва юридик шахсларимиз ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини янада муносиб ҳимоялашга хизмат қилади.

«Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун, аввало бугун жамиятимизнинг бош шиорига айланган адолат тантанасини таъминлашдек эзгу мақсадга қаратилган дейиш мумкин. Зотан, Қонун билан жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳар қандай тазйиқ ва тажовузлардан ҳимоя қилишнинг самарали механизмлари яратилмоқда, масъул давлат органларининг бу борадаги масъулияти кучайтирилмоқда.

Қонунда ҳимоя қилинувчи шахс тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш, шахсни, уй-жойни ва бошқа мол-мулкни қўриқлаш, махсус индивидуал ҳимоя воситаларини ва техник воситаларни бериш, вақтинчалик хавфсиз жойга жойлаштириш, бошқа яшаш жойига кўчириш, иш ёки ўқиш жойини ўзгартириш, хужжатларни алмаштириш, ҳимоя қилинувчи шахс ҳақидаги маълумотлардан фойдаланишни чеклаш каби хавфсизлик чоралари назарда тутилган.

Бундан ташқари, ҳимоя қилинувчи шахсларнинг шахсий ва мулкӣ хавфсизликни таъминлаш, ижтимоий ҳимоя чораларини қўллаш, қўшимча хавфсизлик чораларини

қўллаш ҳақидаги ариза билан мурожаат этиш, ҳимоя қилишни таъминловчи органларнинг қарорлари ва ҳаракатлари устидан юқори турувчи органга шикоят қилиш бўйича ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгиланган.

Шу билан бирга, Қонунга кўра, ҳимоя қилинувчи шахслар хавфсизлик чораларини таъминловчи органнинг қонуний талабларини бажариши, ўзига нисбатан қилинган ҳар бир таҳдид ёхуд ғайриқонуний ҳаракатлар тўғрисида уларни дарҳол хабардор қилиши, хавфсизликни таъминлаш учун ўзига берилган мол-мулкни асраб-авайлаши, ўзига нисбатан қўлланилган хавфсизлик чоралари ҳақидаги маълумотларни ошкор этмаслиги шарт.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат тартибини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Жиноят, Жиноят-процессуал, Меҳнат ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга, «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги, «Реклама тўғрисида»ги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутди.

Жиноий ва маъмурий қонунчиликка киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатдаги жамоат тартибини мустаҳкамлаш бўйича аниқ чора-тадбирлардан иборат ва тиланчилик билан шуғулланганлик ҳамда вояга етмаган шахсларни, кекса ёшдаги шахсларни, рухий касалликлари, ногиронлиги бўлган шахсларни тиланчилик қилишга жалб этганлик учун жавобгарликни белгилаб қўйишга қаратилган.

Ўзгартишлар меҳнат қонунчилигини ҳам четлаб ўтмади. Ишга қабул қилиш тартиби ва иш берувчининг мазкур жараёндаги масъулиятига оид айрим низомлар соддалаштирилди.

Қонун чақалоқлар ва болалар, вояга етмаган шахслар, ногиронлиги бўлган шахслар ва кекса одамлар иштирокида тиланчилик қилиш ҳолларининг олдини олишга, жамиятнинг ахлоқий кадриятларини ҳимоя қилишга, энергетик ичимликларни ҳаддан ортиқ истеъмол қилиш ёки суиистеъмол қилишнинг олдини олишга, шунингдек фуқаролар соғлигини асрашга, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилади.

«Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан 17 та қонун ҳамда 6 та кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, Қонун билан «Прокуратура тўғрисида»ги, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонунларга ва Уй-жой кодексига прокуратура органларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан прокуратура органларини молиялаштириш ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш имконини назарда тутувчи ўзгартишлар киритилди.

Давлат солиқ хизмати органларининг асосий вазифалари қаторидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш масалалари бўйича назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлаш, бундай ишларни бажаришда такрорлашни ва суиистеъмолликларга йўл қўймаслик вазифалари чиқариб ташланди.

Қонунга киритилган тартибга кўра, уй-жой объектининг манзили бўйича доимий рўйхатга олинган вояга етган жисмоний шахслар электр таъминоти, газ таъминоти, сув таъминоти ва сувни чиқариб юбориш (канализация) хизматлари учун кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаш бўйича мажбуриятлар юзасидан солидар жавобгар бўлади.

Қонунда адлия органлари хўжалик юритувчи субъектларга шартнома мажбуриятларини тузиш ва бажаришда ҳуқуқий ёрдам кўрсатишини, шунингдек хўжалик шартномаларини ижро этиш жараёнини назорат қилишини назарда тутувчи норма чиқарилди. Шундай тартиб киритилмоқдаки, унга кўра, Адлия вазирлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизасини бошқа турдаги экспертларни ўтказиб бўлгандан сўнг мажбурий равишда амалга оширади.

«Рақобат тўғрисида»ги Қонунга рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жарима солиш ҳақида қарорлар қабул қилишни монополияга қарши органнинг ваколатларидан чиқаришни ва рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш вазифаларини монополияга қарши органдан тегишли судларга ўтказишни назарда тутувчи ўзгартишлар киритилди.

«Судларда давлат божини ундириш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ судларга давлат божини тўлаш бўйича амалдаги 74 та имтиёздан 17 тасини бекор қилиш, янги тузилган маъмурий судларга мурожаат қилганда давлат божи тўлашдан озод этиладиган шахслар ва органлар рўйхатини белгилаш, шунингдек фуқаролик ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар учун давлат божини ундириш объектларини бирлаштириш кўзда тутилган.

Қонун билан жорий этилаётган тартибга кўра, айрим тоифадаги шахсларга нисбатан талабларни қаноатлантириш тўлиқ ёки қисман рад этилган тақдирда, ушбу шахслардан судларда давлат божи талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган миқдорига мутаносиб равишда ундирилади.

Қонунда белгиланишича, давлат божини тўлашдан озод этилган давлат органлари ва бошқа шахслар томонидан юридик шахслар ва фуқаролар манфаатларини кўзлаб билдирилган талабларни қаноатлантириш тўлиқ ёки қисман рад этилган тақдирда, давлат божи манфаатлари кўзланган шахслардан талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган миқдорига мутаносиб равишда ундирилади.

«Иқтисодий жиноятларга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ҳамда халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Жумладан, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг асосий вазифалари ва функциялари белгилаб берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига

ва Жиноят кодексига қонунга хилоф равишда валюта қимматликларини олганлик ёки ўтказганлик учун жавобгарликни кучайтиришни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Қонун иқтисодий жиноятларга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги профилактика тадбирлари самарадорлигини ҳам янада оширишга кўмаклашади.

«Қишлоқ хўжалигида экин майдонларидан самарали фойдаланиш механизми тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ер кодекси ва Солиқ кодексига ўзгартишлар киритилди. Мазкур Қонун фермер ва деҳқон хўжалиklarининг экин майдонларидан самарали фойдаланишдан, жамоатчилик назоратининг таъсирчан тизимини ҳуқуқий асосда ўрнатишдан шахсий манфаатдорлигини ва жавобгарлигини оширишга кўмаклашади.

Сенат томонидан Ўзбекистоннинг бир қатор халқаро ҳужжатларга қўшилиши тўғрисидаги қонунларнинг, тегишли Шартнома, Битимларнинг ратификация қилингани Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ ташқи сиёсатимизни янги мазмун билан бойитиш, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигимизни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Сенатнинг назорат фаолияти доирасида Ички ишлар вазирининг, Ташқи ишлар вазирининг, Фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича Парламент комиссияси раисининг ҳисобот ва ахборотлари эшитилгани демократиянинг муҳим кўрсаткичи бўлмиш парламент ва жамоатчилик назоратининг янги босқичга кўтарилганидан далолатдир.

Шунингдек, ялпи мажлисда Фарғона вилояти ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботи эшитилгани ҳудудлардаги долзарб масалаларни ҳал этишда Сенат иштирокини янада кучайтиришга хизмат қилади. Ялпи мажлисда муҳокама этилган бошқа масалалар ва улар юзасидан қабул қилинган қарорлар ҳам ўзининг долзарблиги билан аҳамиятлидир.

Р. САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Ёшлар, маданият ва спорт
масалалари қўмитаси
раисининг ўринбосари

Кейинги йилларда суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш ва суднинг нуфузини ошириш, шу йўл билан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ ЧИНАКАМ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Хусусан, 2012 йил 2 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4459-сонли Фармони қабул қилиниб, суд тизими ходимларининг иш ҳақлари сезиларли даражада оширилди, уларнинг ижтимоий муҳофазаси кучайтирилди.

2016 йил 21 октябрь куни ислоҳотларнинг манتيкий давоми сифатида «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармон қабул қилинди ва одил судловга эришиш даражасини ошириш мақсадида судьялик лавозимига биринчи мартаба беш йил муддатга ва кейин ўн йил муддатга, шундан сўнг муддатсиз даврга тайинлаш (сайлаш)ни назарда тутувчи норма белгиланди.

Шу Фармон билан камоқ жазоси тугатилиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турлари жорий қилинди. Жумладан, жазо тизимига мажбурий жамоат ишлари жазоси киритилди. Ушбу жазо ўн олти ёшга тўлмаган шахсларга, ҳомиладор аёлларга, уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига, харбий хизматчиларга, чет эл фуқароларига ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшамайдиган шахсларга нисбатан қўлланилмаслиги белгиланди.

Жиноятни содир этишда гумон қилинган шахсларни суд руҳсатисиз ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга қисқартирилди. Бу эса, ўз навбатида, шахсни ушлаб туриш учун етарли асослар бўлмаган тақдирда унинг эркинлигини чеклашнинг муддатини қисқартирди.

Дастлабки терговнинг асоссиз чўзилиб кетиб, бу даврда суд ҳукми билан айби ёки айбсизлиги исбот этилмаган шахснинг йиллар давомида суд муҳокамасисиз озодлиги чекланишига барҳам бериш мақсадида қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек дастлабки терговнинг энг кўп муддати 1 йилдан 7 ойга қисқартирилди.

Одил судлов халқаро стандартларининг таркибий қисми бўлган «Хабеас корпус» институти билан боғлиқ миллий қонунчилигимиз нормаларини янада такомиллаштириш мақсадида почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация қилиш учун санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди, судларга қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилганда муқобил эҳтиёт чорала-

рини қўллаш ҳуқуқи берилди.

Тергов ишларида сансалорликларнинг олдини олиш, бир жиноят ишининг йиллар давомида тергов қилиниши оқибатида фуқаролар ҳаётининг чигаллаштирилишига чек қўйиш мақсадида терговнинг тўлиқ эмаслигини суд муҳокамаси жараёнида тўлдириш механизмларини жорий этиш орқали суд томонидан жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш институти бекор қилинди.

Фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибида қайта кўриб чиқиш муддати 3 йилдан 1 йилга қисқартирилди.

Суд инстанцияларининг бир-бирини такрорловчи институтларига барҳам бериш мақсадида вилоят даражасидаги судлар томонидан жиноят ва фуқаролик ишларини назорат тартибида кўриб чиқиш институти тугатилиб, тегишли суд раислари ва прокурорларнинг назорат тартибида протест келтириш бўйича ваколатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ишларни назорат тартибида кўриб чиқиш бўйича бир-бирини такрорловчи ваколатлари бекор қилинди.

Ижро органига судларнинг моддий тобеликда бўлишига барҳам бериш мақсадида адлия органларининг умумий юрисдикция судлари фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш соҳасидаги вазифа ва ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий судига ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 21 февралдаги ПФ-4966-сонли Фармони эса, суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштиришда ҳамда унинг фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу Фармон билан узоқ йиллар давомида ўз ечимини кутаётган муаммолар ечимига эътиборга қаратилди.

Хусусан, судьялар ҳамжамиятининг органи ҳисобланадиган ва суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга қўмаклашадиган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди.

Олий суд ва Олий хўжалик суди бирлаштирилди, фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилди.

Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) маъмурий судлари тузилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, энг аввало, жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишнинг ишончли қафолатларини таъминлашга, шунингдек уларнинг шаъни ва кадр-қиммати камситилишига, қонуний манфаатлари чекланишига йўл қўймасликка қаратилган кенг қўламли ишларни амалга ошириш мақсадида 2017 йил 30 ноябрь куни «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-5268-сонли Фармон қабул қилинди.

Унга кўра, процессуал қонунчиликни жиддий бузган ҳолда ёки ноқонуний услублар билан олинган далиллардан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардан ташқари, судларда жиноят ишларининг ошқора кўрилиши принципини чеклайдиган қўшимча талаблар жорий этилиши тақиқланди.

Шахсни ноқонуний ушлаб туриш, қамоққа олиш, жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукм қилишга сабаб бўлган ҳужжатлар ёки ашёларга била туриб ёлғон маълумотлар ва бошқа бузиб кўрсатилган фактларни киритиш, ҳақиқатга тўғри келмайдиган кўрсатув беришга мажбурлаш, иш бўйича ҳақиқий ҳолатларни бузиб кўрсатиш орқали далилларни қалбакилаштирганлик, ёлғон гувоҳлик ва ёлғон хабар берганлик учун жавобгарликни кучайтиришни назарда тутувчи, жиноий жавобгарлик киритилиши белгиланди.

Ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, тинтув, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти тарзидаги процессуал ҳаракатларни амалга ошириш жараёнида видеоёзув воситаларидан фойдаланиш мажбурий этиб белгиланди.

Мазкур Фармон билан киритилган яна бир муҳим норма шуки, ҳимоячи жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлди, улар жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши, шунингдек суриштирув, дастлабки тергов ўтказиш ва жиноят ишини судда кўриб чиқиш вақтида мажбурий текширилиши ва баҳолалиши шартлиги белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 6 январдаги Қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази негизида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби ташкил этилди. Мазкур Қарорга кўра, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш ва судьяларни малакасини оширишнинг амалдаги тартибига барҳам берилиб, янги халқаро стандартларга тўлиқ мос келадиган тартиб жорий қилинди.

Судьяларни моддий таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилинишини уларнинг мавқеи ва обрўсига мувофиқлаштириш, шу йўл билан фуқароларнинг адолатли суд ҳимоясида бўлиши кафолатларини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги 11-сонли қарори билан «Судьялар ва уларнинг оила аъзолари пенсия таъминоти шартлари, меъёрлари ҳамда тартиби тўғрисида» Низом тасдиқланиб, мазкур Қарорга кўра, судья ҳалол ва пок меҳнат қилиб белгиланган пенсия ёшига етганида ёки меҳнатда майибланганида мавқеига лойиқ пенсия билан таъминланиши кафолатланган.

Энг муҳими, суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган кенг қўламли ислоҳотлар халқимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу ўзгаришларнинг дастлабки натижалари одил судлов фаолиятида ўзининг яққол ифодасини топмоқда, халқаро ҳамжамият ва фуқароларимизнинг суд-ҳуқуқ соҳасига ишончини оширмоқда.

Т. САФАРОВ,
жиноят ишлари бўйича
Юнусобод туман суди раиси

ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАР ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДАГИ ЯНА БИР МУҲИМ ҚАДАМ

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини янада кучайтиришга замин яратди.

Ўз навбатида, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифалар тизимни янада такомиллаштиришни талаб этади. Бинобарин, Президентимизнинг 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим аҳамиятга эгадир.

Қарорда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимидаги фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, жиноят ишлари бўйича судгача ва суд жараёнида қонунийликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқлар мавжудлигига жиддий эътибор қаратилган. Алоҳида турдаги жиноятларни содир этганлик учун санкциялар қилмишларнинг ижтимоий хавфлилиқ хусусияти ва даражасига номувофиқлиги, жумладан, жазонинг муқобил турлари, рағбатлантирувчи нормалар ва жамоат таъсир чоралари етарли даражада қўлланилмаслиги ва самарасизлиги таъкидланган.

Шунингдек, тезкор-тергов тадбирларини ўтказиш сифатининг қониқарсизлиги ва процессуал қонунчилик талабларини бузган ҳолда олинган маълумотлардан далил сифатида фойдаланилиши очиқ кўрсатиб ўтилган. Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунгача ушбу соҳада халқаро амалиётда эътироф этилган жиноят-ҳуқуқий институтлар етарли даражада имплементация қилинмаган, суд-тергов фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш жуда паст даражадалигича қолмоқда.

Қарорда эса, мавжуд камчиликлар, амалга оширилаётган ишларга тўсқинлик қилаётган муаммолар кўрсатиб ўтилиши билан бир қаторда, бу йўналишда қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда бажарилиши лозим бўлган бошқа аниқ амалий вазифалар белгиланган.

Хусусан, Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси тасдиқланиб, жиноят қонунчилиги нормаларини унификация қилиш, жинойий жавобгарлик ва жазо тизимини такомиллаштириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларининг таъсирчан ва ишончли муҳофаза қилиниши таъминланишига алоҳида эътибор қаратилган.

Жиноят-процессуал қонунчилиги нормаларини тизимлаштириш ва уйғунлаштириш, жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини ишончли таъминлаш механизмларини такомиллаштириш кўзда тутилмоқда. Жиноят процессининг янги шакл ва тартиб-таомилларини кириштириш лозимлиги ҳам қатъий белгилаб қўйилган.

Жиноят ишлари бўйича ишни электрон шаклда юритиш ва процессуал ҳаракатларни амалга ошириш вақтида суриштирув органларининг прокуратура органлари, судлар ва жазони ижро этиш органлари, шунингдек бошқа ташкилотлар билан маълумотлар алмашинув имкониятини берувчи ҳимояланган тизимни жорий қилиш назарда тутилган: ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини интеграция қилиш, жиноят ишлари бўйича статистика юритишни автоматлаштириш шулар жумласидандир.

Албатта, мазкур Қарорнинг қабул қилиниши ва унда белгиланган талабларнинг амалга оширилиши келгусида суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга, суд ва тергов органларининг масъулиятини кучайтиришга, халқимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва судга бўлган ишончини оширишга хизмат қилади.

2018–2021 йилларда жиноят, жиноят-процессуал қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқ ва қарама-қаршиликларни бартараф этиш, суд-тергов соҳасининг янада шаффофлигини таъминлаш назарда тутилган.

Эндиликда, жумладан, «Электрон жиноят иши» тизимини жорий этиш орқали жиноят-процессуал ҳужжатларининг ягона электрон шаклини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга эришилади. Бу, ўз навбатида, жиноятни рўйхатга олиш ва тергов қилишдан то ҳукми ижро этишгача бўлган жараённи ўз ичига олувчи маълумотлар алмашинуви имкониятини беради. Мазкур тизим жорий этилиши билан судлар ва фуқаролар учун кенг қулайликлар яратилади. Хусусан, юртдошларимиз ортиқча сарсонгарчиликлардан қутулади, уларнинг вақти ва маблағи тежалани.

Ҳозирги вақтда жиноят процесси босқичларида қонунийликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқлар мавжуд эканидан кўз юмиш мумкин эмас. Амал қилиб келаётган ҳуқуқий механизмлар жамиятда ҳуқуқий маданиятни, фуқароларнинг онгида қонунга ҳурмат ҳиссини давр талабига мос равишда шакллантиришда ҳам етарли самара бермаётган эди.

Қолаверса, мамлакатда жиноят қонунчилигини либераллаштириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар нуқтаи назаридан қараганда, айрим жиноий қилмишлар учун жазо санкцияларининг номутаносиблиги кенг жамоатчилик ўртасида норозилик кайфиятини уйғотади. Бу эса, аслида ҳам, халқаро амалиётда эътироф этилган илғор жиноий-ҳуқуқий институтларнинг изчил имплементация қилинмаганига бориб тақалади. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини суд-тергов амалиётига жорий қилиш ҳам талаб даражасида эмас эди.

Энди эса, Ўзбекистонда жиноят иши процессига доир тергов ва суд органларининг ҳар бир ҳаракати ҳужжатлаштириб борилади. Тергов ва суд ҳаракатларининг бориши баённомалар билан, ваколатли мансабдор шахслар ва суднинг ҳал қилув қарорлари эса, тегишинча қарорлар ва ажримлар билан расмийлаштирилади. Бу инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишининг муҳим қафолатидир.

Сир эмас, айрим жиноят ишлари 50 ва ундан ортиқ жилдни ташкил этмоқда. Тегишинча меҳнат сарфи, қоғоз, почта, ташиш, йиғмажилдларни хавфсиз сақлаш ишларида ҳаракат ҳам, харажатлар ҳам кўп. Бундан ташқари, қоғоздаги ишларни юритиш суриштирув ва дастлабки тергов устидан прокурор назорати ва суд назоратини тезкор амалга ошириш имконини бермайди.

Шу боис, «Электрон жиноят иши»ни амалга киритиш қонунийликни мустаҳкамлаш сари қўйилган муҳим қадам ҳисобланади.

2019 йилнинг 1 октябрига қадар синов натижаларидан келиб чиқиб, жиноят ишлари бўйича электрон иш юритуви жорий қилинади. Шу муносабат билан жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритилади. Бош прокуратура электрон тизим фаолият юритиши учун масъул орган этиб белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимизнинг юқорида қайд этилган Қарори жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш, суд-тергов фаолияти шаффофлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш борасидаги ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаш учун мустаҳкам ҳуқуқий асосдир.

С. АШИРМАТОВ,
жиноят ишлари бўйича
Қибрай туман суди раиси

ҲАРБИЙ СУДЛАР

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларни шакллантириш ва ривожлантириш давлатимизнинг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланди.

Қуролли Кучларда олиб борилган ислохотларга ҳамоҳанг равишда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судлари фаолияти ҳам йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 февралдаги «Ҳарбий трибуналлар ва ҳарбий прокуратура тўғрисида»ги Фармонида биноан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий суди ташкил қилинган.

Ҳарбий судлар фаолиятини назорат қилиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Олий судига юклатилди. Олий суд раисининг ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан буйруқ ва фармойишлар чиқариш ваколати ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган.

Ҳарбий судлар фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 23 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судини ташкил қилиш тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ Қуролли Кучлар Ҳарбий суди негизда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди ташкил этилди. Давлат манфаатини ҳимоя қилиш, ҳарбий бўлинмалардаги ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, Конституция ва бошқа қонун ҳужжатларига асосан қўшинларда одил судловни амалга ошириш, ҳарбий хизматчиларни ҳуқуқий тарбиялаш тадбирларини ишлаб чиқиш мазкур суд органларининг асосий вазифалари сифатида белгиланди. Ҳарбий суд тизимида илк бор ҳарбий округлар ҳарбий судлари ташкил этилди.

2000 йил 14 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Низом тасдиқланди. 2000 йил 14 декабрдаги янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунида ҳарбий судларнинг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланди.

Таъкидлаш жоизки, ҳарбий судлар фаолиятининг бошқа судлардан ўзига хос фарқли хусусиятлари мавжуд бўлган. Хусусан, ҳарбий судлар

Қуролли Кучлар таркибига киритилган, ҳарбий судьялар ҳарбий хизматчи сифатида эътироф этилган, судларни молиявий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш Мудофаа вазирлиги зиммасига юклатилган, шунингдек ҳарбий судлар умумий юрисдикция судлари тизимига кирса-да, Олий суд Ҳарбий ҳайъатга эга бўлган мустақил вертикал тузилишдаги прецедентга эга бўлган. Бу эса, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги тамойилига мувофиқ келмас эди.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 12 апрелдаги Қонуни билан «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг «Ҳарбий судлар» деб номланган 4-бобига ўзгартишлар киритилди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий судлари тизими Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди ва ҳудудий ҳарбий судлардан иборат этиб белгиланди.

Ҳарбий судлар таркибига ўзгартишлар киритилиб, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди вилоят суди ҳуқуқида иш олиб бориши ҳамда раис, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлиши, ҳудудий ҳарбий судлар туман суди ҳуқуқида иш олиб бориб, раис ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлиши белгилаб қўйилди.

Муқаддам ҳарбий судлар таркибига Олий суднинг Ҳарбий ҳайъати раиси ҳисобланадиган Олий суд раисининг ўринбосари, Ҳарбий ҳайъат раисининг ўринбосари ва судьялари киритилган. Ҳарбий суд вилоят суди ҳуқуқида иш олиб бориб, раис, раис ўринбосари, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлган. Округ ва ҳудудий ҳарбий судлар туман суди ҳуқуқида иш олиб бориб, улар раис, судьялар, халқ маслаҳатчиларидан, зарурат бўлганда эса, раис ўринбосаридан иборат таркибда фаолият олиб борган.

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида» 2017 йил 21 февралдаги ПФ–4966-сонли Фармони билан ҳарбий судларнинг штат бирликлари Қуролли Кучлар таркибидан Олий суд тизимига ўтказилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу Фармонга берилган шарҳда тушунтирилишича, ҳарбий судьяларнинг Мудофаа вазирлиги штатига киритилганлиги ушбу вазирлик ижро ҳокимияти органи ҳисобланиши туфайли суд ҳокимияти мустақиллигининг, унинг фаолиятини ташкил этишнинг асосий тамойилларига мувофиқ келмайди.

Фармонга мувофиқ Олий суд Ҳарбий ҳайъати, Республика Ҳарбий суди, округ ва ҳудудий ҳарбий судлар штат бирликлари Қуролли Кучлар таркибидан Ўзбекистон Олий суди тизимига ўтказилди. Бунда судьялар ва ҳарбий судлар ходимларидаги ҳарбий хизматчилар ҳуқуқий мақоми, шу

жумладан ҳарбий хизматчилар учун белгиланган ҳуқуқ, имтиёз ва афзалликлар сақланмайди. Содда қилиб тушунтирадиган бўлсак, ҳарбий суд судьялари бундан буён ҳарбий хизматчи ҳисобланмайди ва ҳарбийларга бериладиган маош, имтиёзларга эга бўлишмайди. Аммо, улар судьялар учун қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланишлари мумкин.

Республика бўйича 5 та ҳудудий ҳарбий суд фаолият кўрсатиши белгиланди: Нукус ҳарбий суди (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти), Қарши ҳарбий суди (Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё вилоятлари), Тошкент ҳарбий суди (Тошкент шаҳар, Тошкент, Сирдарё вилоятлари), Самарқанд ҳарбий суди (Самарқанд, Навоий, Жиззах вилоятлари) ҳамда Фарғона ҳарбий суди (Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари).

Фармонда Олий суднинг Ҳарбий хайъатини тугатиш, ҳарбий суд судьяларини Куролли Кучлар таркибидан чиқариш, Республика Ҳарбий суди, округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг 159 та штат бирлигини қисқартириш, Республика Ҳарбий судининг кўриқлаш взводини тугатиш кўзда тутилди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашда, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишда ҳарбий судлар алоҳида ўрин эгаллайди. Ўз навбатида, ҳарбий суд судьяларининг нафақат юридик, балки ҳарбий соҳада ҳам билим ва тажрибалари муҳим роль ўйнайди.

Амалиётда ҳарбий суднинг судьялигига офицер ҳарбий унвонига эга бўлмаган шахслар ҳам тайинланиши ҳолатлари учраб туради. Бундай ҳолатда ҳарбий суд судьяси давлат хизматчиси сифатида ҳарбий хизмат борасида тажрибага ва махсус ҳарбий-юридик маълумотга эга бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳарбий судларнинг судьялари асосан ҳарбий хизматчилар орасидан танлаб олиниши уларнинг профессионал тайёргарлигини кафолатлашга хизмат қилади. Шунингдек, ҳарбий қисмларда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда судьяларнинг армия ҳаётини яқиндан билиши ҳам муҳим ўрин тутади.

М. МАМАСИДДИҚОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор,

Ў. ДАВЛЕТОВ,
майор

Мамлакатимизда аёлни улуғлаш, унга хурмат-эҳтиром кўрсатиш, муносиб ҳаёт шароитини яратиш, оғирини енгил қилиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланган. Зеро, жамият ҳаётининг турли жабҳаларини равнақ топтириш, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини юксалтириш, ёшларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида камол топтиришда хотин-қизларнинг муносиб ҳиссаси бор.

ХОТИН-ҚИЗЛАР – СУД ҲИМОЯСИДА



Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ташаббус ва интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим қадам бўлди.

Хусусан, ушбу Фармон орқали оила институтини мустаҳкамлаш бўйича, энг аввало, «Соғлом оила – соғлом жамият» концептуал ғоясини ҳаётга татбиқ этиш, давлат органлари, хотин-қизлар қўмиталари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда нотинч ва муаммоли оилаларни аниқлаш, маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш, низоли ҳолатларнинг олдини олиш, хотин-қизларни ва оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар ва оилаларга, ногиронлиги бўлган аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш, хотин-қизлар учун оилавий ва хусусий тадбиркорлик, ҳунармандчиликни ташкил этиш назарда тутилди.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш судларнинг ҳам энг устувор вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан 2018 йил 13 февраль куни «Хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, оилаларни мустаҳкамлаш, оилавий низолар ҳамда никоҳдан ажралиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида» Меморандум қабул қилиниб, оилаларни биргаликда самарали яраштириш чораларини кўриш, зарур ҳолларда суд мажлиси ҳақида хотин-қизлар қўмиталарини хабардор қилиш ҳамда уларнинг ҳулосасини олмасдан туриб, никоҳдан ажратиш ҳақида қарор қабул қилмаслик вазифалари белгиланди.

Мазкур ҳужжат судлар билан хотин-қизлар қўмитаси ўртасидаги ҳамкорликни янада яхшилашнинг қўшимча омилларидан бўлди.

Зотан, фуқаролик ишлари бўйича Учқудук туман суди томонидан биргина 2018 йилда хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ жами 66 та фуқаролик иши ҳамкорлик доирасида ҳал этилди.

Оилавий ажримларнинг олдини олиш борасида туман хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла (овул) фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда иш олиб борилиб, тарафлар ўртасидаги аксарият келишмовчиликлар эр-хотин ўртасида бўладиган ихтилофлар эканлиги, бу келишмовчиликларни бартараф этиб, оилани сақлаб қолиш имкониятлари мавжудлигини, хотин-қизлар қўмитаси ва маҳалла фуқаролар йиғинининг тегишли хулосасини инобатга олиб, никоҳдан ажратиш ҳақидаги 23 та даъво қаноатлантириш рад этилди, 6 та даъво бўйича иш юритиш тугатилди, 2 та иш кўрмасдан қолдирилди.

Шу билан бирга, суд томонидан хотин-қизларнинг бузилган ҳуқуқларини амалда тиклаш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди.

Масалан, даъвогар – У. Ж. Шимолий кон бошқармаси «Даугизтау» кўрғонидаги ошхонада идиш ювувчи вазифасида ишлаб, 2017 йил 19 ноябрь куни кеч соат 22-10 ларда 1 литр сутни корхона ҳудудидан олиб кетаётган вақтида қўриқлаш ходимлари томонидан ушланган ва иш берувчи у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилган.

Даъвогар бу ҳолатни биринчи марта содир этганлиги, сўнгги бир йил ичида интизомий жазога тортилмаганлиги, у олган сут маҳсулоти ишчилардан қолган бўлиб, қайта ишлатилмаслиги ва тўкиб ташланиши, шунингдек У. Ж. хотин-қизлар қўмитаси кафиллигига олинганлиги сабабли, суднинг 2018 йил 13 мартдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар ўз вазифасига ишга тикланди.

Даъвогар – Д. М. Шимолий кон бошқармасининг 2012 йил 18 июндаги буйруғи билан Автомобиль-транспорт бошқармасининг эксплуатация бўлими катта диспетчери вазифасидан иш ўрни қисқартирилгани сабабли бўшатишган. Д. М. судга ўзини ишга тиклаш тўғрисида даъво билан мурожаат қилган.

Ишни судда кўриш жараёнида маълум бўлдики, иш берувчи даъвогарни бошқа ишга жойлаштириш чораларини атайин кўрмаган. Шу боис, суднинг 2018 йил 24 апрелдаги ҳал қилув қарори билан у ишга тикланиб, мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи ва маънавий зарар учун товон пуллари ундириб берилди.

Судлар томонидан бундай қарорларнинг чиқарилиши юртимизда хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари самарали ҳимоя қилинаётганидан далолатдир.

Н. РАСУЛОВ,
фуқаролик ишлари бўйича
Учқудук туман суди раиси

ЖАЗО ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАЙИНЛАШ ТАРТИБИ

Фуқароларимиз учун мамлакатимизда барча имкониятлар яратиб қўйилган. Улардан унумли фойдаланиш, жамият ва давлат манфаатлари йўлида хизмат қилиш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Бирок, бу бурч фуқаролар томонидан қай даражада адо этилаяпти, содир бўлаётган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларга қарши жиддий кураша-япмизми, деган саволларга доим ҳам ижобий жавоб бера олмаимиз. Шуниси аёнки, биз содир қилинаётган жиноятларнинг туб сабабларини ўрганмоғимиз, ота-оналарнинг фарзандларини назоратсиз қолдираётганликлари, лоқайдлик ва эътиборсизликка йўл қўяётганликларини тўғри баҳоламоғимиз, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўрмоғимиз даркор.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 43-моддасига мувофиқ жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан қуйидаги асосий жазолар қўлланилиши мумкин:

- жарима;
- муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- мажбурий жамоат ишлари;
- ахлоқ тузатиш ишлари;
- хизмат бўйича чеклаш;
- озодликни чеклаш;
- интизомий қисмга жўнатиш;
- озодликдан маҳрум қилиш;
- умрбод озодликдан маҳрум қилиш.

Маҳкумларга асосий жазолардан ташқари ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо ҳам қўлланилиши мумкин.

Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазолар фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш фақат асосий жазо сифатидагина эмас, балки қўшимча жазо тариқасида ҳам қўлланилиши мумкин.

Жиноят кодексининг тўртинчи бўлими «Жазо ва уни тайинлаш» деб аталади. Ушбу Кодексга кўра, жарима энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан олти юз бараваригача миқдорда тайинланади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш суд тайинлаган муддат давомида айбдорнинг корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда у ёки бу мансабни эгалла-

шини ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланишини тақиқлашдан иборат.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш айбдорнинг мансаби ёки иш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган жиноятни содир этганлиги учун асосий жазо тариқасида тайинланганда бир йилдан беш йилгача муддатга, қўшимча жазо тариқасида тайинланганда бир йилдан уч йилгача муддатга белгиланади. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тайинланмайди, бундан одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳоллар мустасно.

Мажбурий жамоат ишлари маҳкумни ҳақ тўланмайдиган фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий тарзда жалб қилишдан иборатдир. Маҳкум ишлаётган ёки ўқиётган бўлса, мажбурий жамоат ишлари ишдан ёки ўқишдан бўш вақтда ўталади. Маҳкумлар мажбурий жамоат ишларини ўташи мумкин бўлган жойлар (объектлар) ва мажбурий жамоат ишларининг тури мазкур жазонинг ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгиланади. Мажбурий жамоат ишлари 120 соатдан 480 соатгача бўлган муддатга тайинланади ва 6 ой давомида кунига 4 соатдан кўп бўлмаган вақтда, маҳкумга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар юзага келган тақдирда эса, бир йилгача бўлган муҳлатда кунига тўрт соатдан кўп бўлмаган вақтда ўталади.

Мажбурий жамоат ишлари пенсия ёшига етган шахсларга, ўн олти ёшга тўлмаган шахсларга, ҳомиладор аёлларга, уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига, ҳарбий хизматчиларга, чет эл фуқароларига ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшамайдиган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Ахлоқ тузатиш ишлари шахс иш ҳақининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уни меҳнатга мажбуран жалб қилишдан иборат бўлиб, жазо суднинг ҳукмига мувофиқ маҳкумнинг ўз иш жойи ёки мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўталади.

Ахлоқ тузатиш ишлари олти ойдан уч йилгача муддатга тайинланади.

Ахлоқ тузатиш ишлари пенсия ёшига етганларга, меҳнатга қобилиятсизларга, ҳомиладор аёлларга, уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди.

Хизмат бўйича чеклаш ҳарбий хизматни контракт бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчини суд ҳукмида кўрсатилган муддат давомида муайян ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум қилиб, пул таъминотининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача бўлган миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолишдир.

Хизмат бўйича чеклаш жазо чораси икки ойдан уч йилгача муддатга қўлланилади.

Хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазони ўташ муддати давомида маҳкумнинг мансабини, ҳарбий ёки махсус унвонини ошириш мумкин эмас, жазони ўтаган вақт эса, унинг кўп йил ишлаганлик, навбатдаги ҳарбий ёки махсус унвон ҳамда пенсия олиш учун асос бўладиган хизмат муддатига кўшилмайди.

Озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат.

Озодликни чеклаш олти ойдан беш йилгача муддатга тайинланади ҳамда суд томонидан белгиланадиган органлар назорати остида ўталади. Озодликни чеклаш, уни маҳкумнинг яшаш жойида ўташ шартлари суд томонидан белгиланади.

Интизомий қисмга жўнатиш муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчисини суд томонидан белгиланган муддат мобайнида ички тартиби анча қаттиқ бўлган махсус ҳарбий қисмга жойлаштириш орқали муайян ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум этишдир.

Интизомий қисмга жўнатиш жазоси уч ойдан бир йилгача муддатга қўлланилади. Суд иш ҳолатлари ва маҳкумнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига шу муддатга интизомий қисмга жўнатиш жазосини қўллаши мумкин.

Озодликдан маҳрум қилиш бир ойдан йигирма йилгача муддатга белгиланади. Узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш йигирма йилдан ортиқ, лекин йигирма беш йилдан кўп бўлмаган муддатга белгиланади ва фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун тайинланиши мумкин.

Узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмас.

Озодликдан маҳрум қилиш Жиноят кодексининг 60-моддасида назарда тутилган бир неча жазоларни қўшиш тартибида тайинланганда, унинг муддати йигирма беш йилгача белгиланиши мумкин.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга ҳамда олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг учдан икки қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганлик, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганлик ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо хомиладор аёлларга ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга нисбатан, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган

шахсларга нисбатан тайинланмайди.

Суд томонидан жазони манзил-колонияда ўташи тайинланган маҳкум сақлаш режимини ашаддий бузувчи деб топилган тақдирда, суд уни жазонинг ўталмаган қисми муддатига умумий тартибли колонияга ўтказди.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чораси бўлиб, маҳкумни махсус тартибли жазони ижро этиш колониясига жойлаштириш орқали жамиятдан муддатсиз ажратиб қўйишдан иборатдир.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш ва терроризм учун белгиланади.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмас.

Ҳарбий ёки махсус унвондан шахс оғир ёки ўта оғир жиноят учун ҳукм қилинганида суд ҳукми билан маҳрум қилиниши мумкин.

Олий ҳарбий ёки махсус унвонга ёхуд Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотига эга бўлган шахс оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинганида суднинг ҳукм асосида киритадиган тақдимномасига биноан мазкур унвон ёки мукофотдан маҳрум қилиниши мумкин.

Жиноят қонунида белгиланган жазо чоралари тизими қатъий бўлиб, суд судланувчига нисбатан қонунда белгиланган жазо чорасидан бошқа бирон-бир чорани қўллай олмайди.

Шунингдек, жиноят содир этишда қонунда белгиланган тартибда айбли деб топилган шахсгина жазога тортилади. Суд Жиноят кодекси Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада умумий қисмининг қоидаларига мувофиқ жазо тайинлайди.

Хулоса қилиб айтганда, одил жазо тайинлаш жиноятчилик билан кураш борасида асосий восита бўлиб, у судланувчиларни тузатиш, уларнинг жиноят содир этишига тўсқинлик қилиш, умумий ва махсус профилактика мақсадларига хизмат қилади. Жиноий жазо чораларини қўллашда қонун талабларига сўзсиз риоя этилиши одил судловнинг энг муҳим вазифаларидан биридир ва фақат одилонга жазо қўллашгина инсон ҳуқуқлари бўйича демократик институтларни ривожлантиришнинг қафолатидир.

А. БЕКМАНОВ,
жиноят ишлари бўйича
Кегейли туман суди раиси

Бугунги кунда халқаро миқёсда шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдидларнинг янги-янги кўринишлари вужудга келмоқда. Бу таҳдидлар халқаро майдонда миллатлар, динлар, ижтимоий табақалар ҳамда мамлакатлараро зиддиятлар ва тафовутлар билан қоришиб жиноятчиликни янада кучайтирмоқда. Жумладан, ер юзида ноқонуний миграция, терроризм, диний экстремизм, гиёҳвандлик, одам савдоси ва «оммавий маданият» хавфининг тобора кучайиб бораётгани барчани ташвишга солмоқда.

МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЖАМОАТ ТУЗИЛМАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг миграция ва қочоқлар масаласига оид таҳлилларига кўра, дунё аҳолисининг сони 2050 йилга бориб 9,7 миллиард кишини, мигрантлар сони эса 321 миллион кишини ташкил этади.

Бу биринчидан, халқаро меҳнат бозорининг очиклиги ва шу билан бирга, тўлиқ тартибга солинмаганлиги, иккинчидан, айрим давлатларда иқтисодий-сиёсий, ижтимоий ва табиий шарт-шароитларнинг оғирлиги, аксинча, бошқаларида барқарорликнинг таъминланганлиги билан боғлиқ. Бундай шароитлар инсонларда ҳаёт тарзининг сифати, яшаш учун шароитларни яхшилаш, муносиб меҳнат ҳақи тўланадиган иш излаш, саломатликни сақлаб қолиш ва тиклаш мақсадида бошқа давлатларга чиқиш эҳтиёжини туғдиради.

Қайд этиш лозимки, миграциянинг ижобий жиҳатлари иқтисодиётда кўпроқ кўзга ташланади. Бироқ, бизнинг фикримизча, жараённи фақат иқтисодий даромадлар билан баҳолаб бўлмайди. Зотан, мигрантларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек миграция жараёнларини тартибга солиш масалалари бугунги куннинг объектив заруратига айланди.

Шу билан боғлиқ равишда миграцион жараёнларни ўрганиш, уларнинг ёшларга таъсири, ички ишлар органларининг миграция жараёнларини тартибга солиш фаолиятида жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Россия Федерацияси Миграция хизмати маълумотларига кўра (2016 йил), Федерация ҳудудига Марказий Осиёдан борган меҳнат мигрантларининг 45,9 фоизи Ўзбекистонга тўғри келади².

Шунинг учун ҳам мамлакатимиз фуқароларининг республикага келиш ва ундан чиқиб кетиш каби конституциявий ҳуқуқларини таъминлашда ноқонуний

миграция профилактикаси долзарбдир.

Миграция жараёнларини тартибга солишда ички ишлар органларининг жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини таъминлаш қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг энг самарали йўналишидир.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасига кўра, фуқаролар республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига (қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустасно) эга. Фуқароларнинг ушбу ҳуқуқлари қонунлар ва қонуности ҳужжатларида кенгайтирилган тарзда қафолатланган.

Афсуски, айрим фуқаролар қонунда белгиланган тартибда эмас, балки ноқонуний миграция асосида чет элга чиқмоқда, у ердан қайтиб келмоқда. Бу эса, ноқонуний миграциянинг олдини олишда ички ишлар органлари томонидан фуқаролар, айниқса, ёшлар ўртасида амалга оширилаётган профилактик чоратадбирларни янада такомиллаштириш заруратини туғдирмоқда.

Бинобарин, миграция жараёнларини тартибга солиш, ривожланган давлатлар билан ҳамкорликда меҳнат миграцияси географиясини кенгайтириш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларга консуллик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, республикаимизнинг хорижий давлатлардаги дипломатик муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш давлатимизнинг ташқи сиёсатидаги устувор вазифалардан этиб белгиланди.

Фикримизча, миграция жараёнларини тартибга солишда ички ишлар органларининг жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигининг мукамал ҳуқуқий тартибга солиниши бу борада юзага келган долзарб масалалар ечимига хизмат қилади.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда миграция жараёнларини тартибга солишда ички ишлар органларининг жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини белгилаб берувчи ягона ҳуқуқий асос йўқ. Бироқ, ҳамкорликнинг айрим жиҳатларини белгилаб берувчи алоҳида ҳуқуқий асослар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли нормалари жиноятларнинг олдини олиш хусусиятига эга бўлиб, фуқароларни ноқонуний миграция билан боғлиқ жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишда ва уларни жамиятдаги умуминсоний, ахлоқий нормалар асосида тарбиялашда устувор манба ҳисобланади.

2000 йил 15 декабрдаги «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонун ички ишлар органларининг ноқонуний миграция натижасида юзага келиши мумкин бўлган терроризмга қарши кураш бўйича жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини белгилаб беради. Жумладан, Қонуннинг 5-моддасида террорчилик фаолиятига дахлдор чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига киришининг олдини олиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

органлари ҳамда жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликда ҳуқуқий ва бошқа профилактик чоралар мажмуини ўтказиш орқали амалга оширилиши³ қайд этилган. Шунингдек, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, шунингдек фуқароларга терроризмга қарши курашни амалга оширувчи давлат органларига қўмаклашиш⁴ мажбурияти юклатилган.

Ноқонуний меҳнат миграцияси оқибатида вужудга келувчи одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишда ички ишлар органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиши, оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда аҳоли ўртасида кенг миқёсда огоҳлантириш-профилактик ишларни ўтказишга доир ваколатлари⁵ 2008 йил 17 апрелдаги «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасида мустаҳкамланган. Шунингдек, давлат бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, шунингдек фуқаролар одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига

АННОТАЦИЯ

Мақолада ноқонуний миграция профилактикасини амалга оширишда ички ишлар органларининг жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигининг ҳуқуқий жиҳатлари юзасидан мулоҳаза юритилган.

Таянч тушунчалар: миграция, ноқонуний миграция, ҳамкорлик, ҳуқуқий асос, ижтимоий шериклик, бандлик, чора-тадбирлар, хорижий давлат, жамоат тузилмаси, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси.

* * *

В статье рассмотрены вопросы сотрудничества органов внутренних дел и общественных формирований в проведении мероприятий по профилактике незаконной миграции.

Ключевые слова: миграция, незаконная миграция, взаимодействие, правовая основа, социальное партнерство, занятость, меры, зарубежное государство, общественное формирование, профилактика правонарушений.

* * *

The article considers the legal aspects of cooperation of internal affairs bodies and institutions of public society in realization of preventive actions of illegal migration.

Key words: migration, illegal migration, interaction, legal basis, social partnership, employment, measures, foreign country, social formations, prevention of offences.

кўмаклашиши⁶ белгиланган.

Ижтимоий жихатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилаларга ёрдам кўрсатишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки⁷ 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонун билан тартибга солинган.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддасига кўра, фуқаролар йиғини кенгаши тегишли ҳудудда жамоат тартибини ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда, шу жумладан, фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ишларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашиш⁸ ваколатига эга. Мазкур Қонун жойларда бандликни таъминлаш, ижтимоий муҳофазага мухтож аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш, шунингдек фуқароларнинг мамлакат ташқарисидаги меҳнат фаолиятини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириш бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатишга ҳам замин яратди.

2014 йил 25 сентябрдаги «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қўллаб-қувватлаш ва унинг ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантириш, ҳар томонлама баркамол ва соғлом ёш авлодни шакллантириш, ёшларга билим бериш, уларни маънавий-ахлоқий жихатдан тарбиялаш ва касбга йўналтириш каби ижтимоий шериклик соҳалари белгилаб қўйилди⁹.

2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддасида жамоат тартибини таъминлаш, шу жумладан, фуқароларнинг келиш ва кетишини ҳисобга олишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг иштирок этиши¹⁰ белгиланди. Натижада ички ишлар органларининг ноқонуний миграциянинг олдини олишда чет элга чиқувчи шахслар билан умумий, яқка, махсус ва виктимологик профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича ҳамкорликдаги фаолиятининг асосий йўналиши ҳуқуқий жихатдан мустаҳкамланди.

Миграция жараёнларини тартибга солишда ички ишлар органларининг жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини таъминлаш бўйича ҳуқуқий майдондаги бўшлиқни 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуни тўлдирди.

Эътиборли жихати шундаки, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, фош этиш, уларга чек қўйиш ҳамда жиноят ишларини тергов қилишда, жиноятчиларни қидиришда, бедарак йўқолган фуқароларнинг турган жойини аниқлашда, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ички ишлар органларига кўмаклашиши ҳуқуқий жиҳатдан таъминланди.

2018 йил 12 апрелдаги «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасига асосан жамоатчилик назорати субъектлари ҳудудда яшовчи фуқароларнинг яшаш манзилдан узоқ муддатга чиқиши ва қайтиб келишлари юзасидан ўтказилган жамоатчилик назорати натижаларига кўра таклиф ва тавсиялар тайёрлайди ҳамда уларни миграция жараёнларини тартибга солиш мақсадида ички ишлар органларига кўриб чиқиш учун юборади¹¹.

Миграция жараёнларини тартибга солишда ички ишлар органларининг жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини таъминлашда 2018 йил 30 июлдаги «Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг 16-моддасида экстремизмга қарши курашишга доир тадбирларни амалга оширишда бошқа субъектларнинг иштирок этиши ҳуқуқий кафолатланган. Мазкур Қонунга кўра, бошқа ташкилотлар, фуқаролар, шунингдек жамоат тузилмалари ҳам экстремизмга қарши курашишга доир тадбирларда ўз ваколатлари доирасида ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этади¹².

Фикримизча, миграция жараёнларини тартибга солишда ички ишлар органларининг бошқа давлат органлари, шунингдек жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш, қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ва кириш каби ноқонуний миграция билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, шунингдек профилактикасини амалга оширишга қаратилган давлат органларининг жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини белгилаб берувчи ягона ҳуқуқий асосни қабул қилиш;

ноқонуний миграция билан боғлиқ жиноятларни фош этишга фаол ёрдам берган шахсларнинг жавобгарликка тортилмаслиги ҳақидаги махсус рағбатлантирувчи нормаларни жиноят қонунчилигида янада аниқ белгилаш;

ноқонуний миграциянинг олдини олиш, меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солишни янада такомиллаштириш мақсадида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг фуқароларнинг чет элда ишга жойлаштиришни таъминлаш масалаларини ҳал этиш бўйича барча вилоятларда ташкил этилган минтақавий

бюролари фаолияти ҳақида аҳоли орасида, хусусан ҳафтанинг пайшанба куни – «Хуқуқбузарликлар профилактикаси куни»да оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланиб, тарғибот ишларини олиб бориш;

меҳнат миграцияси билан боғлиқ бўлган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат миграцияси тўғрисида»ги Қонунини қабул қилиш.

Б. ЭГАМБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академияси «Жамоат тартиби ва хавфсизликни
таъминлаш» кафедраси ўқитувчиси

¹БМТнинг собиқ Бош котиби Пан Ги Муннинг миграция ва қочоқлар масалаларига бағишланган Бош Ассамблеянинг 71-сессияси очилишидаги маърузаси, 2016 йил 19 сентябрь, Нью-Йорк <http://www.panarmenian.net/rus/news/212018/>.

²<http://zagrnfast.ru/news/2016-04-12/kolichestvo-trudovykh-migrantov-iz-tcentralnoy-azii-v-rossii-nes>

³Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – Т., 2001. № 5, 90-м.

⁴Ўша манба. – 6-модда. № 5, 90-м.

⁵Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелдаги «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – Т., 2008. № 4, 190-м.

⁶Ўша манба. – 8-модда. № 4, 190-м.

⁷Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонунининг 19-моддаси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – Т., 2010. № 9, 343-м.

⁸Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами. – Т., 2013.-№. 4, 96-м.

⁹Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 25 сентябрдаги «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуни// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2014. №39, 488-м.

¹⁰Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. – Т., 2014. №20, – 221-м.

¹¹Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 2018.,-03/18/474/1062-сон.

¹²Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 03/18/489/1593-сон.

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНА ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРИНИ ОШИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Кейинги пайтларда ўзбек тадбиркорлари орасида эркин иқтисодий зона, бу зоналарда тадбиркорлик фаолияти, эркин иқтисодий зона иштирокчиси ва эркин иқтисодий зонада фаолият кўрсатиш тўғрисида битим каби тушунчалар кўп ишлатилаётгани ҳаммага маълум.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг чиқишларида эркин иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек бу борадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича дунё жамоатчилиги эътиборига тушган буюк ғоялар ўрин олган.

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон Республикасида алоҳида ҳуқуқий ва иқтисодий режим бўйича эркин иқтисодий зоналарнинг самарали фаолият юритиши, инвестиция лойиҳаларини танлаш ва уларни амалга ошириш, эркин иқтисодий зона иштирокчиларига ер майдонлари ажратиш, давлат мулкани эркин иқтисодий зона иштирокчиларига инвестиция мажбуриятларини қабул қилган ҳолда «ноль» харид қиймати бўйича сотиш, эркин иқтисодий зонада муҳандислик-коммуникация ҳамда транспорт инфратузилмасини қуриш, эркин иқтисодий зона фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тадбиркорлик ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» 2017 йил 25 октябрдаги Қарорига мувофиқ қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 январдаги 29-сонли Қарори эркин иқтисодий зона маъмурий кенгашларининг ваколатлари, эркин иқтисодий зона иштирокчиси мақомидан маҳрум этиш учун асослар, эркин иқтисодий зона иштирокчиларига бериладиган кредитлар бўйича гаров таъминоти, кредит буюртманомасини кўриб чиқиш учун эркин иқтисодий зона иштирокчиларидан воситачилик ҳақи ундирилишини бекор қилиш ва абонент ҳақи тўлашдан озод қилишнинг ҳуқуқий табиатини батафсил тартибга солади.

Бу жиҳатлар эркин иқтисодий зона иштирокчиларининг самарали фаолият юритиши, уларнинг маҳсулотини экспортга етказиб беришни кўпайтириш, мазкур муҳитда тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган илмий ва амалий ишланмалар, норматив-ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини тадбиркорлик доираларида кенг тарғиб қилишни долзарб вазифага айлантирди.

Соҳавий билимларни оммалаштиришда, айниқса, ижтимоий тармоқлар орқали эркин иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши, шунингдек тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти самарадорлиги, эркин иқтисодий зона дирекцияси фаолияти устидан амалий назорат, эркин

иқтисодий зона иштирокчиси мақомини тўхтатиш ёки ундан маҳрум қилиш, янги эркин иқтисодий зона барпо этиш ҳамда ишлаб турганларининг чегараларини ўзгартириш тафсилотларининг ёритилиши муҳим аҳамиятга эга.

Эркин иқтисодий зона ходимларининг инвесторлар билан ишлашида, хорижий ва маҳаллий ишбилармонлар аудиторияси учун мамлакатимиз эркин иқтисодий зоналарида тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш тўғрисида илмий ва маърифий ахборотни манзилли тарқатиш ўзининг ижобий натижаларини беради.

Бундан ташқари, мамлакат илмий марказларида тўпланган илмий-назарий манбаларни тизимли таҳлил қилиб, умумлаштириб, улар моҳиятини тадбиркорларга етказиш ҳам фойдали бўлади.

Ўз навбатида, фуқаролик ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи ва халқаро хусусий ҳуқуқ ихтисослиги бўйича оммабоп қўлланмаларни ҳам тадбиркорлар орасида тарқатиш улар томонидан ҳуқуқий билимларни эгаллашга хизмат қилади.

Қайд этиш жоизки, эркин иқтисодий зоналар ҳудудида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқий билимларни оммалаштириш жараёнларини такомиллаштириш зарур.

Биринчидан, бу масалани самарали ҳал қилишга ижтимоий сўров, илмий интервьюлар орқали Ўзбекистондаги эркин иқтисодий зона иштирокчилари, айниқса, кўзлаган фойдага чиқа олмаган ва ўз фаолиятини тўхтатиб қўйган иштирокчилар фаолиятини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш лозим бўлади.

Иккинчидан, тадбиркорларга Ўзбекистондаги эркин иқтисодий зоналарда иштирокчилар сони, ишлаб чиқариш ҳажмлари, жалб этилган инвестициялар, экспорт ва импорт миқдори динамикасини соҳавий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ривожланиши жараёни билан боғлаб, тегишли таҳлилий маълумотларни етказиш ҳуқуқий тарғибот самарадорлигига хизмат қилади.

Бу ўринда фақат статистика билан чегараланмасдан, ҳокимликлар ва масъул вазирлик ҳамда идораларнинг эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришга оид ўрта ва узоқ муддатли меъёрий ҳужжатлари мазмун-моҳиятини очиб бериш муҳимдир.

Учинчидан, Россия, Бразилия, Польша каби давлатларнинг соҳавий тажрибасига кўпроқ мурожаат қилишимиз зарур. Зотан, ушбу давлатлардаги эркин иқтисодий зоналарда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни экспорт қилиш механизмлари пухта ишлаб чиқилган.

Фаолияти ўрганилган барча эркин иқтисодий зоналарда электр энергияси, табиий газ, сув таъминоти, канализация тармоқларига уланиш билан боғлиқ муаммолар мавжудлиги аниқланмоқда. Шу боис, мазкур йўналишларда ҳам ҳақиқий тартиб ва тушунтириш ишларини жонлантириш тақозо этилади.

Ўз навбатида, шартномавий муносабатлар эркинлиги молиявий масалаларнинг ҳам пухта ва шиқ ҳал этилишига боғлиқ.

Бинобарин, кредит шартномаси бўйича тадбиркорларнинг билимларини ошириб бориш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Т. УМАРОВ,
Тошкент шаҳар прокурорининг ёрдамчиси,
юримдик фанлар доктори, доцент

ҚОНУН БЎЙИЧА ВОРИСЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Хусусий мулк эгасининг ўз мулкига нисбатан эрки, манфаатлари ва ҳуқуқлари муҳофазаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари орқали таъминланади.

Конституциянинг 36-моддасида ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақлилиги, банкда қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланиши белгиланган.

Ворислик шахснинг вафотидан кейин унга хусусий мулк асосида тегишли бўлган мол-мулкнинг, шу жумладан мерос қолдирувчининг шахси билан чамбарчас боғлиқ бўлган баъзи ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бир ёки бир неча меросхўрларга ўтишидир.

Ворислик билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар асосан Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади. Мазкур Кодекснинг 1112-моддасига кўра, ворислик васият ва қонун бўйича амалга оширилади.

Васиятнома бўйича ворислик фақат мерос қолдирувчининг хохиш-иродасига асосан амалга оширилади. Қонун бўйича ворислик эса, мерос қолдирувчининг хохиш-иродаси билан боғлиқ эмас.

Қонун бўйича ворислик қуйидаги ҳолатларда вужудга келади: ворислик ҳақида васият мавжуд бўлмаса; васиятнома қисман ёки тўлиқ ҳақиқий эмас деб топилган ёки мерос мулкнинг ҳаммаси васият қилинмаган бўлса; мулкнинг васият қилинмай қолган қисмига, агар васиятнома бўйича меросхўрлар меросдан воз кечган ёки нолайиқ меросхўр деб топилган бўлса; мажбурий улушга эга шахслар мавжуд бўлса.

Мазкур ҳолатда меросни қабул қилиш қонунда назарда тутилган меросхўрлар навбати бўйича амалга оширилади.

Маълумот учун қайд этиш жоизки, қадимда марҳумнинг мулки тақдири асосан шариат қоидаларига кўра ҳал қилинган. Жумладан, мусулмон ҳуқуқида вафот этган шахснинг мол-мулки шариат қоидалари ёки васият бўйича мерос бўлиб ўтиши, мерос очилган пайтда тирик бўлган барча қариндошлар меросхўр ҳисобланиши ҳамда ҳар бир меросхўрнинг ўз ҳиссасига эга бўлиши назарда тутилган.

Фуқаролик кодексининг 1134-моддасига кўра, қонун бўйича меросхўрлар ворисликка ушбу Кодекснинг 1135–1141-моддаларида назарда тутилган навбат тартибида чақириладилар.

Қонун бўйича ворисликда фарзандликка олинган шахс ва унинг авлодлари бир тарафдан, фарзандликка олувчи шахс ва унинг қариндошлари иккинчи тарафдан туғишган қариндошларга тенглаштириладилар.

Қонун бўйича ворисларнинг ҳар бир навбати аввалги навбатдаги меросхўрлар бўлмаган, меросдан четлаштирилган, меросни қабул қилмаган ёхуд ундан воз кечган тақдирда ворислик ҳуқуқига эга бўлади.

Фуқаролик кодексига мувофиқ мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан, фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига киради.

Мерос қолдирувчининг турмуш ўртоғи мерос очилгунга қадар у билан қонуний никоҳдан ўтган бўлиши лозим. Шаръий никоҳдан ўтган шахс мерос қолдирувчининг меросхўри бўла олмайди.

Мерос қолдирувчининг туғишган ҳамда она (ота) бир, ота (она) бошқа ака-укалари ва опа-сингиллари, шунингдек унинг ҳам ота, ҳам она тарафдан бобоси ва бувиси тенг улушларда қонун бўйича иккинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар.

Мерос қолдирувчининг туғишган амакиси, тоғаси, аммаси ва холаси тенг улушларда қонун бўйича учинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар.

Мерос қолдирувчининг олтинчи даражадаги (олтинчи даража ҳам шунга киради) бўлган бошқа қариндошлари қонун бўйича тўртинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар, бунда яқинроқ қариндошлар узокроқ қариндошларга нисбатан мерос олишда имтиёзли ҳуқуққа эга.

Мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимлари, агар улар Фуқаролик кодексининг 1141-моддаси асосида мерос олмасалар, қонун бўйича бешинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар.

Мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимлари унинг вафотига қадар камида бир йил биргаликда яшаб, қарамоғида бўлганда, меросхўрлар доирасига киради. Қонун бўйича меросхўрлар доирасига мансуб бўлиб, ворисликка чақирилган навбатнинг меросхўрлари билан бирга меросга чақирилмаган меҳнатга қобилиятсиз шахслар мерос қолдирувчи билан бирга яшаган-яшамаганлигидан қатъи назар, камида бир йил унинг қарамоғида турган бўлсалар, ворисликка чақирилган навбат билан бирга мерос оладилар.

Меҳнатга қобилиятсиз деганда, шахснинг биринчи, иккинчи ва учинчи гуруҳ ногирони бўлиши, эркакларнинг 60 ёшдан, аёлларнинг 55 ёшдан ошган бўлиши назарда тутилади.

Меҳнатга лаёқатсиз боқимлар ворисликка чақирилган навбатнинг меросхўрлари билан биргаликда тенг ҳиссада мерос оладилар.

Қонун бўйича ворисликка чақирилган бошқа меросхўрлар билан тенг ҳиссада, аммо ворисликка чақирилган шахсларнинг ҳаммаси биргаликда оладиган ҳиссаси

мерос мулкнинг тўртдан бир қисмидан ошмаслиги керак.

Биринчи ва бошқа навбатдаги меросхўрларнинг мерос қолдирувчи билан қариндошлиги шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар (паспорт, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва ҳоказо) асосида тасдиқланади. Агар ушбу ҳужжатларни тақдим этишнинг имкони бўлмаса, қариндошлик ҳолати суд томонидан белгиланади.

Мерос қолдирувчининг ўлган куни, у вафот этган деб эълон қилинганда эса, агар суднинг қарорида бошқа муддат кўрсатилмаган бўлса, вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги суднинг қарори кучга кирадиган кун мерос очилган вақт деб ҳисобланади.

Меросхўр ўзига тегиши лозим бўлган меросни ёки унинг бир қисмини (улушини) олиш ҳуқуқига, агар у кейинчалик меросдан воз кечмаса, ворислик ҳуқуқидан маҳрум этилмаса ва уни меросхўр этиб тайинлаш тўғрисидаги васият фармойиши ҳақиқий эмас деб топилши натижасида мерос олиш ҳуқуқини йўқотмаса, мерос очилган вақтдан эътиборан эга бўлади.

Фуқаролик кодексининг 1146-моддасига кўра, мерос очилган жойдаги нота-риус меросхўрларнинг илтимосига кўра уларга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериши шарт.

Меросни қабул қилиб олган меросхўрлардан исталган бири мероснинг тақсимланишини талаб қилишга ҳақли.

Меросни тақсимлаш меросхўрларнинг келишувига кўра, ўзларига тегишли улушларига мувофиқ, келишувга эришилмаган тақдирда эса, суд тартибида амалга оширилади.

Фуқаролик кодексининг 1153-моддасида айрим меросхўрларнинг мерос таркибига кирадиган мол-мулкка нисбатан имтиёзли ҳуқуқи белгиланган.

Мерос очилгунга қадар уч йил мобайнида мерос қолдирувчи билан бирга яшган меросхўрлар мерос тақсимланишида мерос таркибидан уй-жой, квартира ёки бошқа турар жойни, шунингдек уй-жой ашёлари ва рўзғор буюмларини олишда, мерос қолдирувчи билан мол-мулкка нисбатан умумий мулк ҳуқуқига эга бўлган меросхўрлар эса, мерос тақсимланишида мерос таркибидан умумий мулк бўлган мол-мулкни асл ҳолида олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар.

Имтиёзли ҳуқуқлар амалга оширилганда мерос тақсимотида қатнашаётган бошқа меросхўрларнинг мулкый манфаатларига риоя этилиши лозим. Агар мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш натижасида меросни ҳосил қилувчи мол-мулк бошқа меросхўрларга тегишли улушларни бериш учун етарли бўлмаса, имтиёзли ҳуқуқни амалга ошираётган меросхўр уларга тегишли пул ёки мол-мулкнинг то-вонини тўлаши лозим.

Г. МУЛЛАБАЕВА,
фуқаролик ишлари бўйича
Тошкент вилоят суди судьяси

БУХОРО ВИЛОЯТ СУДИ ТАРИХИ

Бухоро мамлакатимиздаги узоқ тарихга эга бўлган воҳалардан бири ҳисобланади. 1917 йил октябрь воқеасига қадар бу зўшада адолатпарварлик ва қонунийликнинг кафолати сифатида мустақил суд ҳокимияти мавжуд бўлган. Одил судловнинг эски тизими ўзгартирилиб, суд партияга ва советларга тўла бўйсундирилган.

Тарихдан маълумки, Марказий Осиёнинг чор Россияси томонидан босиб олиниши туфайли ҳақ-ҳуқуқлар топталди. Гарчи Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ҳудудида 1920 йилнинг сентябрига қадар эски салтанат сақланган бўлса-да, улар аллақачон Россиянинг вассалига айланиб бўлганди. Буни ўтган асрнинг бошларидаги манбаларда Янги Бухоро (Новая Бухара) номини олган манзил мисолида кўришимиз мумкин.

Таниқли олим О.Эшонунинг «Бухоро халқ республикаси» (рус тилида, Тошкент - 1969, 22 бет.) китобида қайд қилинишича, Бухоро заминининг бевосита амир ихтиёридаги қисмида олти мингдан зиёд европа миллатига мансуб кишилар яшаган. Янги Бухоро (бугунги Когон) шаҳри эса, деярли уларнинг ихтиёрида бўлган. Шунинг учун ҳам Янги Бухорода «шаҳар бошлиғи» (начальник города) лавозими таъсис этилган. Бу лавозимдаги шахс зиммасига Янги Бухорога Россия сиёсатини ўтказишдан ташқари, эски Бухородаги (старая Бухара) юқорида эслатганимиз олти мингдан зиёдроқ бошқа миллат фуқароларини бошқариш вазифаси ҳам юклатилган.

Юқоридаги маълумотлар бевосита судлар тарихига ҳам дахлдордир. Бухорода манғитийлар сулоласининг сўнгги ҳукмдори Сайид Амир Олимхоннинг тахтдан ағдалиши 1920 йилнинг 2 сентябрида амалга ошган бўлса-да, Янги Бухорода инқилобий трибунал 1918 йилдаёқ ўзининг фаол ҳаракатини бошлаган эди. Бухоро вилоят давлат архивида сақланаётган кўп сонли нодир маълумотномалар бунга гувоҳдир.

Инқилобий кўмитанинг 1919 йилнинг 12 июндаги қарори билан инқилобий трибуналга вилоят инқилобий трибунали номи берилади. Инқилобий кўмитанинг асосий мақсадларидан бири Сайид Амир Олимхон салтанатини йўқ қилишдан иборат эди. Шундай қилиб, инқилобий трибунал – вилоят инқилобий трибунали мақомини олади ва Адлия нозирлиги унга раҳбарлик

* «Ҳуқуқшунос» журналининг 2008 йилдаги 3-сонидан қисқартириб олинди.

қила бошлайди. Вилоят инқилобий трибунали раис, унинг ўринбосари, икки котиб, уч аъзо, уч қонун ҳимоячилари таркибида иш юритади. Вилоят инқилобий трибунали 1924 йилнинг 8 октябрида тугатилади. Унинг қонуний вориси сифатида Зарафшон вилояти (округ) суди иш бошлайди.

1920 йилнинг сентябрида дунёга келган Бухоро халқ шўролар республикаси 1924 йилда ўтказилган миллий чегараланиш туфайли тугатилади. Вилоят инқилобий трибунали ўрнида шаклланган Зарафшон музофот суди ҳам ана ўша сиёсий воқеалар билан узвий боғлиқдир. Мухими шундаки, 1920 йилнинг сентябридан кейин Бухоро халқ шўролар республикаси ҳудудида мохиятан ягона, шаклан хилма-хил судлов тизимлари, аниқроқ айтадиган бўлсак, кўхна Бухорода асрлар давомида Амирлик тизимида мавжуд бўлган қозилик 1924 йилга қадар сақлаб қолинди. Вилоят инқилобий трибунали ҳам Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси тузилгунга қадар фаолият кўрсатди. Тарих ҳужжатлари Бухоро вилоят суди тарихи 1918 йилдан бошланди дейишга асос бўлади. Ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ҳар бир янгилик суд тизимида ҳам ўз аксини топа борди. Бунини округ судининг 1925 йилнинг 11 январиди қабул қилинган буйруғи мисолида ҳам кўрса бўлади. Халқ адлия нозирлигининг 1925 йил 6 январдаги йўриқномасига асосланган музофот ҳукм маҳкамаси куйидаги кўрсатмаларни беради: биринчидан, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси шаклланиши муносабати билан кўриладиган ишларга нисбатан чиқариладиган ҳукмлар ЎзССР номидан эълон қилинсин; иккинчидан шу бугундан бошлаб «округ суди» ўрнида «вилоят судлари» ибораси қўллансин.

Янги тизимдаги судлов ташкилоти ўз таркиби, унда фаолият кўрсатаётган ходимлар масаласини ҳам эсдан чиқармади. Масалан, Бухоро вилоят ҳукм маҳкамаси (Бухоро вилоят суди шундай юритилган) 1925 йилнинг 30 мартда чиқарган буйруғида Қорақўл туманидаги қозилик ўрнида халқ суди тузилганлигини маълум қилади.

Вилоят судлари фаолият бошлаган даврдан эътиборан унинг раиси лавозимига маҳаллий халқ вакилини қўйиш тартибига амал қилинган. Масалан, 1924-1925 йилларда вилоят ҳукм маҳкамасига ўрта маълумотли Остонақўл Қаюмов раислик қилган. Ҳолбуки, 19 ходимдан иборат таркибда 4 нафар олий маълумотли мутахассис ҳам бўлган. 70 йилдан зиёдроқ давр ичида адолат ҳимояси йўлида курашган Бухоро вилоят ҳукм маҳкамаси ходимлари таркиби ҳамisha байналмилал бўлиб келган. Жумладан, юқорида эслатганимиз – 19 ходим ўзбек, рус, тожик, чуваш, яҳудий миллатига мансуб бўлганлар.

Ҳужжатлар шаҳодатига кўра, 1924–1925 йилларда Бухоро вилоят ҳукм маҳкамаси таркибида ўрта, ундан паст, ҳатто махсус ўқимай, уйда саводини

чиқарган ходимлар ҳам ишлаган. Вилоят инқилобий трибунали, кейинчалик Зарафшон музофот ҳукм маҳкамаларининг идораси Янги Бухорода, бугунги Когоннинг Винокуров кўчасида жойлашган эди. Вилоят инқилобий трибуналининг ҳукми ҳозирги Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларига қарашли шаҳару туманларга ўтган. Трибунал фаолиятининг тўхтатилиши билан Қашқадарё ва Сурхондарё судлари мустақил ташкилотлар сифатида шаклланди. Республика халқ адлия нозирлигининг 10-рақамли буйруғига асосан собиқ Зарафшон музофот ҳукм маҳкамаси негизида Бухоро вилоят ҳукм маҳкамаси ва маркази Кармана шаҳри бўлган Зарафшон ҳукм маҳкамаси вужудга келтирилди. Бундай қўшилиш ва ажралишларнинг ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатлари бўлиши табиийдир. Айни ҳолат вилоят судида ишлайдиган ходимлар сонига ҳам таъсир кўрсатмай қолмайди, албатта. Идорага қарашли ҳудуднинг кенгайиши ходимлар сонининг кўпайишига олиб келса, кичрайиши камайишининг асосидир.

Саводли ва малакали мутахассисларнинг етишмаслиги туфайли баъзан соҳага нолойиқ шахслар ҳам ишга қабул қилинган. Назорат ва талабчанликнинг кучли бўлганлиги сабабли ходимларнинг қўнимсизлиги табиий бир ҳол бўлган. Мана бир мисол: Бухоро вилояти прокурорининг ёрдамчиси Ботирбеков ўз ҳисоботида халқ судларининг фаолиятига баҳо берар экан, жумладан Ғиждувон халқ судидан Сирожонов ҳақида ёзади: «Қобилияти суст, сиёсий саводсиз, деҳқонларга муомаласи ачинарли аҳволда. Унинг бундай ҳаракати деҳқонлар кўз ўнгида судлар обрўйини тўкиб қўяди». Мазкур баҳога ғараз аралашган ва яна қандайдир эътирозли жиҳатлар ҳам бўлиши мумкин. Бирок, ишорадан сўнг вилоят суди ўз ходимининг иш фаолиятини ўрганиб, уни эгаллаб турган вазифасига нолойиқ ходим сифатида ишдан четлаштирган. Шу мазмундаги буйруқлар тез-тез чиқарилиб турилган.

Халқ маслаҳатчиларини сайлов орқали танлаш биринчи марта 1926 йилнинг охирида амалга оширилган. Дастлаб бу тадбир Кўҳна Бухоро ва Когонда жорий қилинган. 1927 йилнинг охирига келиб вилоят судига қарашли барча шаҳар ва туманларда халқ маслаҳатчилари сайловига эришилган. 1938 йилда Ўзбекистон таркибида Бухоро вилоятининг таъсис этилиши билан судлар фаолиятида ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берди. Бухоро вилоят судига жинойий-фуқаролик ишлари бўйича раҳбарлик жумҳурият Олий суди ва идоравий-иқтисодий жиҳатдан бошқариш эса Адлия вазирлиги зиммасига юклатилди. 1938-1941 йилларда Бухоро вилоят суди таркибида қуйидаги бўлим, шаҳар ва туман халқ судлари бор эди: умумий бўлим, жинойий ишлар, фуқаролик ишлари бўлими, бухгалтерия, статистик бўлим, Бухоро шаҳри, Бухоро тумани, Когон шаҳри, Когон тумани, Ғиждувон, Қизилтепа, Қоракўл, Кармана, Конимех туманлари халқ судлари. Булардан ташқари, Сурхондарё ва Қашқадарё округлари ихтиёрида бўлган 17

туман халқ судлари ҳам Бухоро вилоят судига қарашли эди. 1941 йилнинг 6 мартдаги Ўзбекистон Олий Кенгаши Президиуми Фармонида кўра Сурхондарё ва Қашқадарё мустақил вилоятлар сифатида таъсис этилиши муносабати билан уларга тегишли судлов ташкилотлари Бухоро вилоят суди ихтиёридан чиқди. Ўтган аср 30-йилларининг охиридан Сталиннинг вафотида қадар бўлган давр собиқ Иттифоқ тарихида энг машъум йиллар ҳисобланади.

Ҳаётимизнинг ўша қаро кунлари мусибатидан одил судлов ходимлари ҳам «бебахра» қолган эмас. Одамлар бир-биридан ҳадиксираб яшаган, эртанги кунининг ёруғ келишига кўзи етмаган шароитда қонунни, адолатни, табиатнинг бебаҳо мўъжизаси бўлган инсоннинг инсонийлигини ҳимоя қилишнинг қимматга тушганлиги табиийдир. Қатағоннинг кўп сонли шаҳидлари сафида Бухоро вилояти ҳудудида қонунчилик равнақи учун курашган фидойи касбдошларимизнинг борлиги шубҳа туғдирмайди. Узоқ йиллар судлов тизимининг турли бўғинларида иймон ва интизом билан хизмат қилган, халқ ўртасида обрў-эътибор қозонган Г.Орифжонов, М.Рўзиев, С.Абдиров, М.Юнусов, Е.Пак, Ё.Саидов, М.Тоиров, Р.Қодиров каби касбдошларимиз номини ифтихор билан эсга оламиз.

80-йилларнинг бемаврид эсан «шамоллари» десантчиларнинг хавфхатаридан ўзини, ўзлигини, касби шарафини ҳимоя қила олган фидойи, пок виждонли ҳуқуқ посбонлари вилоятимиз ҳудудида бениҳоя кўп. Бугун ҳам улар вилоятимизнинг турли шаҳару туманларида жиноятчиликка қарши қонун қалқонини кўндаланг тутиб, адолат тантанасини давом эттираётирлар. Кекса ходимларимиз улардан аксариятини меҳр ва самимият билан эслайдилар. Шундайлардан бири Расул Бердиевдир. У 1948-1963 йилларда жамоамизни ўта талабчанлик билан бошқарган. Унинг ибратли фаолияти ҳақида архивимизда сақланаётган кўп сонли ҳужжатлар шаҳодат беради. Ўн йилдан зиёдрок раислик қилган Г.Орифжоновни (мустақиллигимиз шарофати билан оқланган) ҳам бухороликлар ўта самимий инсон сифатида тилга олади. Вилоят судида кўп йиллар бош ҳисобчилик қилган Е.Пак кейинчалик ҳуқуқ соҳасига ўтиб, ўн йил вилоят судининг аъзоси лавозимида ишлаган. Шу ходим 1974-1978 йилларда раис бўлиб ишлаган Ф.Носиров, 1978-1987 йилларда шу жамоани бошқарган У.Мингбоев ҳақида ҳам меҳр ва ихлос билан фикр юритади.

Вилоят судининг идораси 1938 йилга қадар Когонда эди. 1939 йилда Бухоро шахрига кўчиб келди.

А. РАҲМОНОВ,
ҳуқуқшунос

ДАВЛАТ ИЖРОЧИСИНИНГ ҚАРОРИНИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС, ҲАРАКАТЛАРИНИ (ҲАРАКАТСИЗЛИГИНИ) ҚОНУНГА ХИЛОФ ДЕБ ТОПИШ ТЎҒРИСИДАГИ АРИЗА (ШИКОЯТ)ЛАРНИНГ МАЪМУРИЙ СУДЛАР ТОМОНИДАН КЎРИБ ЧИҚИЛИШИНING ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Фуқаро Акром Ҳайдаровнинг Ўзбекистон Республикаси Олий суди «Одил судлов» журнаliga юборган мурожаатида, агар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг давлат ижрочиси ўзига юклатилган вазифаларни асоссиз бажармаётган бўлса, яъни иқтисодий суднинг ижро варақасига асосан юридик шахсдан юридик шахсга ундириш белгиланган суд ҳужжатининг ижросини таъминламаётган бўлса, унинг ҳаракатини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги масала қайси суд томонидан кўриб чиқилиши ҳақида маълумот бериш сўралган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан тақомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4966-сонли Фармони билан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар маъмурий судларга тааллуқлилиги белгиланди.

Шунингдек, маъмурий ишларни ва оммавий-ҳуқуқий муносабатлардаги низоларни кўриб чиқишнинг процессуал тартибини белгиловчи Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс 2018 йил 25 январда қабул қилинди.

Маъмурий судларга тааллуқли ишлар сифатида маъмурий ва бошқа оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи фуқароларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш каби ишлар белгиланган.

Ушбу тоифага киритилган ишлар фуқаролар ва юридик шахсларнинг аризалари (шикоятлари) асосида қўзғатилади. Мазкур аризалардаги (шикоятлардаги) талаблар бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлар, эркинликлар ва

Маъмурий органларнинг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорларини ҳақиқий эмас, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ариза (шикоят)да қуйидагилар ҳам кўрсатилиши керак:

1) устидан шикоят қилинаётган қарор-ни қабул қилган ёки шикоят қилинаётган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) содир этган маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг номи, мансабдор шахснинг фамилияси, исм-шарифининг бош ҳарфлари;

2) устидан шикоят қилинаётган қарорнинг номи, рақами, у қабул қилинган сана, устидан шикоят қилинаётган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этилган сана ва жой;

3) аризачининг фикрига кўра, устидан шикоят қилинаётган қарор, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) туфайли унинг бузилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари тўғрисидаги маълумотлар;

4) аризачининг фикрига кўра, устидан шикоят қилинаётган қарорнинг, ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) қайси қонун ҳужжатига зид эканлиги;

5) аризачининг қарорни ҳақиқий эмас, ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги талаби.

қонуний манфаатларни ҳимоя қилишга қаратилган бўлади. Бундай ишлар бўйича давлат органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қиёфасида жавобгар давлат ҳисобланади.

Жумладан, мазкур тоифадаги ишларга давлат органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган ҳужжатларини, мансабдор шахсларнинг шундай ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги низолар киради.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 27-моддасида суд томонидан ҳал этиладиган ишлар кўрсатиб ўтилган бўлиб, унга кўра, маъмурий суд:

1) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

2) давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш орган-

ларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

3) сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

4) нотариал ҳаракатни амалга ошириш, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзишни рўйхатга олиш рад этилганлиги ёки нотариуснинг ёхуд фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

5) давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаш устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилади.

Шунингдек, мазкур Кодекснинг 186-моддасида маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг, улар мансабдор шахсларининг қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан ариза (шикоят) билан судга мурожаат этиш муддатлари берилган бўлиб, давлат ижрочисининг қарорини ҳақиқий эмас, ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ариза (шикоят) манфаатдор шахсга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида маълум бўлган пайтдан эътиборан ўн кун ичида судга берилиши мумкин.

Шуни назарда тутиш керакки, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 30-моддасига мувофиқ ижро ҳаракатлари ва ижро ҳужжатининг талаблари ижро ҳужжатининг ихтиёрий ижро этилиши учун белгиланган муддат тугаган кундан эътиборан кўпи билан икки ой муддат ичида суд ижрочиси томонидан амалга оширилиши ва ижро этилиши кераклиги назарда тутилган.

Мажбурий ижро бюросининг давлат ижрочиси ўзига юклатилган вазифаларни асоссиз бажармаётганлиги устидан ушбу Қонунда суд ҳужжатини ижро этиш учун белгиланган икки ой муддатдан сўнг маъмурий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи пайдо бўлади.

Ш. ГАЙБЕРДИЕВ,
Олий суд катта
консультанти

Муассислар томонидан акциядорлик жамияти шаклидаги банкни ташкил этиш учун қандай ҳаракатлар амалга оширилади?



Савол ва жавоб

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 8 октябрда 2014-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 15 августдаги 23/3-сонли қарори билан тасдиқланган «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 16 ва 17-бандларига асосан муассислар акциядорлик жамияти шаклидаги банкни ташкил этиш учун аввал таъсис шартномасини имзолайдилар, сўнгра таъсис йиғилишини ўтказадилар.

Мазкур ҳаракатлар муассислар томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунлари ҳамда акциядорлик жамиятлари фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

* * *

Банкни ташкил этиш тўғрисидаги таъсис шартномасида нималар кўрсатилган бўлиши лозим?

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 8 октябрда 2014-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 15 августдаги 23/3-сонли қарори билан тасдиқланган Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 18-бандига мувофиқ банкни ташкил этиш тўғрисидаги таъсис шартномасида қуйидагилар бўлиши лозим:

банкни таъсис этиш борасида биргаликда фаолият кўрсатиш тартиби;

банк устав капитали миқдори;

муассислар ўртасида жойлаштирилиши лозим бўлган акциялар турлари, уларнинг номинал қиймати, ҳар хил турдаги акцияларнинг нисбати, уларни тўлаш миқдори ва тартиби;

муассисларнинг банкни ташкил этишга доир ҳуқуқ ва бурчлари.

Таъсис шартномасига муассисларнинг келишувига мувофиқ бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.

* * *

Банкнинг устав капитали қайси маблағлар ҳисобидан ташкил топади?

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 8 октябрда 2014-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 15 августдаги 23/3-сонли қарори билан тасдиқланган Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 20-22-бандларига биноан банкнинг устав капитали банк муассислари ва акциядорларининг пул маблағлари ҳисобидан ташкил топади.

Кредитга ва гаровга олинган ҳамда бошқа жалб этилган маблағлардан банк устав капиталини шакллантиришда ҳамда банк акцияларини сотиб олишда фойдаланиш тақиқланади. Мазкур талабга зид ҳолда устав капиталига киририлган маблағлар эгаларига қайтарилиши ва шу вақтнинг ўзидаёқ акциялар келгусида сотиш учун банкка топширилиши лозим.

Алоҳида ҳолларда конун ҳужжатларига мувофиқ банкнинг устав капиталини шакллантириш учун бюджет маблағларидан фойдаланилиши мумкин.

* * *

Текширувни ўтказиш прокуратура органлари билан келишилган вақтдан бошлаб қанча вақт ичида назорат қилувчи орган томонидан текширув ўтказиш тўғрисида буйруқ қабул қилинади?

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 7 сентябрда 3067-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2018 йил 6 сентябрдаги Б-55-сон буйруғи билан тасдиқланган Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказиш тартиби ҳақидаги вақтинчалик Низомнинг 17 ва 18-бандларига кўра, назорат қилувчи орган текширувни ўтказиш келишилган кундан бошлаб уч иш куни ичида текширув ўтказиш тўғрисида буйруқ қабул қилади.

Буйруқда текширув ўтказиш учун асос бўлган ҳужжат номи, рақами ва санаси, назорат қилувчи органнинг текширувда иштирок этадиган масъул ходимлари таркиби, текшириладиган тадбиркорлик субъектининг номи (филиали ёки шохобчаси), солиқ тўловчининг идентификация рақами, манзили, текширув мақсади, муддати ва текшириладиган фаолият даври кўрсатилади ҳамда текширув дастури илова қилинади.

Назорат қилувчи органнинг тегишли таркибий бўлинмаси томонидан ўтказиладиган текширувга унинг бошқа таркибий бўлинмаларининг тадбир-

корлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқига эга бўлган ходимлари жалб этилиши мумкин.

Назорат қилувчи органнинг юқори ташкилоти текширувни қуйи бўлинмаларига юклашга ҳақли.

* * *

Назорат қилувчи органнинг масъул ходимлари томонидан тадбиркорлик субъектида текширув бошланишидан олдин қандай ҳаракатлар амалга оширилиши керак?

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 7 сентябрда 3067-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2018 йил 6 сентябрдаги Б-55-сон буйруғи билан тасдиқланган Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказиш тартиби ҳақидаги вақтинчалик Низомнинг 21-бандига асосан назорат қилувчи органнинг масъул ходимлари текширув бошланишидан олдин тадбиркорлик субъекти раҳбарини (раҳбарнинг вазифасини бажарувчи шахсни) ёки яқка тартибдаги тадбиркорни текширув мақсади билан таништиради, унга ўз хизмат гувоҳномаси ва текширув ўтказиш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳномасини кўрсатади, Ягона тизимга текширувнинг уникал кодини киритиш орқали текширувга доир маълумотларни олиш ҳуқуқини тушунтиради, шунингдек текширувни ўтказишга асос бўлган ҳужжатлар (текширув ўтказиш келишилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси, назорат қилувчи органнинг текширув ўтказиш тўғрисидаги буйруғи ва текширув дастури) нусхаларини тилхат олган ҳолда топширади.

Тадбиркорлик субъекти ўз сўровига кўра ўтказилаётган текширув ҳақидаги ахборотни Ягона тизимдан қисқа хабар (SMS) кўринишида ва реал вақт режимида интернет тармоғи орқали олиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 92-моддасида назарда тутилган ҳолларда мазкур банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган ҳаракатлар назорат қилувчи органнинг масъул ходимлари томонидан текширув тугаллангунга қадар амалга оширилади.

**Олий суд катта консультанти
С. АСҚАРОВ тайёрлади**

«АДОЛАТ – ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА» КЎРИК-ТАНЛОВИ ЯҚУНЛАНДИ



Ўзбекистон Республикаси Олий суди бир неча йилдан буён суд-ҳуқуқ ислохотларини, шунингдек судлар фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритилишини янада такомиллаштириш мақсадида «Адолат – қонун устуворлигида» танловини ўтказиб келмоқда.

Танловга 2018 йил 1 январдан 15 ноябргача республика миқёсидаги газета, журналларда чоп этилган, интернетда ёритилган, телевидение ва радиода берилган судлар тизимидаги ислохотларни ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарғиб қилишга, аҳолининг

бу борадаги ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга йўналтирилган мақолалар, интернет материаллари, кўрсатувлар, эшиттиришлар қабул қилинди.

Танловда иштирок этиш учун жами 5 та номинация бўйича 1133 та материаллар келиб тушди, шундан танлов шартларига мувофиқ келадиган 70 та муаллифларнинг 641 та материаллари танловда қатнашиш учун қабул қилинди ва улар ичидан қуйидаги муаллифлар ғолиб деб топилди.

«ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИО ЙЎНАЛИШИДА ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТ» НОМИНАЦИЯСИ БЎЙИЧА:

1-ўринга Қахрамон Жамолов – Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O`ZBEKISTON 24» телерадиоканали бош муҳаррири;

2-ўринга Шухрат Суёнов – Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Toshkent» телеканали «Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий дастурлар» бош муҳарририяти бош муҳаррир ўринбосари;

3-ўринга Ҳабибулла Юнусов – Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Mahalla» телерадиоканали давлат унитар корхонаси «Mahalla» радиоканали Ижтимоий-ҳуқуқий дастурлар муҳарририяти бош муҳаррири.

**«БОСМА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЙЎНАЛИШИДА
ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТ» НОМИНАЦИЯСИ БЎЙИЧА:**

- 1-ўринга Юлиана Мороз – «Правда Востока» газетаси мухбири;
2-ўринга Садоқат Аллаберганова – «Даракчи» газетаси масъул котиби;
3-ўринга Равшан Шодиев – «Ўзбекистон овози» газетаси мухбири.

**«ИНТЕРНЕТ ЖУРНАЛИСТИКА ЙЎНАЛИШИДА ЭНГ
ФАОЛ ЖУРНАЛИСТ» НОМИНАЦИЯСИ БЎЙИЧА:**

- 1-ўринга Баходир Аҳмедов – «KUN.UZ» мухбири;
2-ўринга Абдулла Собиров – «Куч-адолатда» газетасининг Хоразм вилоя-
ти бўйича мухбири;
3-ўринга Муаттар Рўзиева – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари универ-
ситети Халқаро журналистика факультети 4-босқич талабаси.

**«ЭНГ ФАОЛ СУДЬЯ ВА СУД ХОДИМИ»
НОМИНАЦИЯСИ БЎЙИЧА:**

- 1-ўринга Шахзод Бахтиёр – жиноят ишлари бўйича Чирокчи туман
судининг судьяси;
2-ўринга Исмаилла Маманов – Тошкент вилоят маъмурий судининг
судьяси;
3-ўринга Шавкат Гайбердиев – Олий суд катта консультанти.

**«ЭНГ ФАОЛ ИЛМИЙ ХОДИМ»
НОМИНАЦИЯСИ БЎЙИЧА:**

- 1-ўринга Замира Эсонова – юридик фанлар доктори, профессор;
2-ўринга Давлатжон Ҳабибуллаев – Тошкент давлат юридик университе-
ти кафедра мудири, юридик фанлар номзоди;
3-ўринга Отабек Пирматов – Тошкент давлат юридик университети
ўқитувчиси.

Ғолиблар танлов рамзи, диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

«Адолат – қонун устуворлигида» танловини ўтказишда АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID), Бирлашган миллатлар ташкилоти Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик» қўшма лойиҳаси томонидан яқиндан ёрдам кўрсатилди.